БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 51
20 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидатлари (1-нчи бет).

Ўртоқ Н. С. Хрушчёвнинг олтмиш ёшга тўлиши муносабати блан қардош партиялардан олинган табрик телеграммалари (2-нчи бет).

А. Рахмат. — Мирзачўл колхоз-совхоз театри амалий ёрдамга муҳтож (2-нчи бет).

Маданият ходимларининг область кенгаши (2-нчи бет).

Илғорлар тажрибасини қўлланиб, чигитни тезроқ экиб олайлик! А. Убайдуллахўжаев. — Ғўза парваришини намунали ўтказамиз. **Уролбой Ортиқбоев.**—Пахтакор ёшлар мусобақа илғори. (3-нчи бет).

ОЧЕРК: **С. Маҳкамов, Т. Орипов.** — Мўл ҳосил усталари (3-нчи бет).

Б. Халилов. — Механизаторлар мактабига э'тибор берилсин (4-нчи бет).

Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'ездида (4-нчи бет).

ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЭКИБ ОЛАЙЛИК

Мамлакатнинг пахтакорлари учун пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашнинг энг мас'улиятли даври — чигит экиш даври келди. Ўрта Осиёнинг ҳамма районларида, Закавказьеда, Жанубий Қозоғистонда чигит экиш ишлари қизиб кетди. Ўзбекистон ССР, Сурхондар'ё областининг колхоз ва совхозлари белгиланган майдоннинг ярмига чигит экиб бўлдилар. Эрта экилган кўп участкаларда чигит ўниб чиқди. Ўзбекистон пахтакорлари бу йил кўкламда пахта экин майдонларини 76 минг гектар кенгайтириш, ҳосилни гектар бошига ўтган йилдагига нисбатан 4 центнер ошириш мажбуриятини олдилар.

Тожикистон пахтакорлари ўртасида кўкламги экишни муваффақиятли ўтказиш учун мусобақа борган сари кенгаймоқда. Республиканинг жанубий районлари кетидан марказий ва шимолий районлари чигит экишни оммавий равишда бошлаб юбордилар. Бу йилги кўкламнинг ноқулой об-ҳаво шароитларига қарамай, Туркманистоннинг Мари областидаги кўпчилик колхозлар чигит экишни аҳиллик блан оммавий равишда бошлаб юбордилар.

Пахта далаларидаги кўкламги қишлоқ хўжалик ишларининг биринчи кунлари шуни кўрсатадики, иш моҳирлик блан уюштирилганида, техникадан тўғри фойдаланилганда, кўкламнинг кеч келиши натижасида юз берган қийинчиликларни муваффқият блан енгиш, экиш сур'атларини анча тезлаштириш, ишларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш мумкин. Экиш муддатлари пахтадан юқори ҳосил олиш учун ғоят катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда бир кунни эмас, балки бир соатни ҳам қўлдан бой бермаслик керак. Иш сур'атларини кундан-кун тезлаштириш, иш сифатини яхшилаш зарур.

Афсуски, кўпгина пахтакор районларда чигит экиш ниҳоятда секин олиб борилаётир, агротехниканинг энг муҳим талабларига риоя қилинмаётир. Қирғизистон, Қозоғистоннинг кўпгина районларида ҳатто экишга тайёргарлик кўриш ишлари ҳам шу дамгача тамомланмаган, тракторлар, тиркаладиган асбоблар ремонт қилиниб бўлмаган, далаларни тозалаш, шўр ерларни ювиш тамом бўлмаган. Ўзбекистоннинг Бухоро, Фарғона ва Хоразм областьларидаги колхозлар чигит экадиган энг яхши муддатларни қўлдан бой бераётирлар. Озарбайжонда чигит экиш мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда. Тожикистон ССРнинг Кагановичобод, Жиликўл ва Пархор районларидаги колхозларда чигит экиш ёмон бормоқда.

Мамлакатнинг пахтакор районларидаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кўкламги экишни тез ва юқори сифатли қилиб ўтказишга шу кунларда ҳамма кучларни ва воситаларни сафарбар қилишлари лозим. Кўкламги экишни ўтказишда машина-трактор станциялари ҳал қилувчи рольни ўйнайдилар. Партия ташкилотларининг бурчи — МТС ходимларининг меҳнатдаги активлигига бошчилик қилиб, ҳарбир тракторчининг, ҳарбир трактор бригадасининг чигит экиш юзасидан ўзлари учун белгиланган топшириқни бажаришига ёрдам беришдан иборатдир. Колхозлардаги, МТС ва совхозлардаги илғор кишиларнинг довруғини ёйиш, уларнинг иш тажрибаларини ҳамма йўллар блан кенг тарқатиш керак.

Кўклам кеч келганлиги муносабати блан бу йил чигит экиш кечикиб ўтказилаётир. Бундай шароитда ҳамма майдонларда ғўзаларни озиқлантиришни ва ишлашни яхши ўтказиш айниқса муҳимдир, токи ғўзаларнинг тезроқ ривожланиши та'минлансин. Ҳарбир колхозга зарур миқдорда ўғитларни ўз вақтида ташиб келтириш, мўл ҳосил учун курашда ғўзаларни озиқлантиришнинг ғоят муҳим эканлигини колхозчиларга тушунтириш керак. Пахта зараркунандаларига қарши кураш соҳасидаги ишларни ўтказишга диққат блан тайёрланиш лозим.

Пахтачиликни ривожлантиришда сўнгги йилларда анча катта муваффақиятларга эришилди. 1953 йилда колхозларда суғориладиган ерлардаги пахта экин майдони 1940 йилдагига нисбатан 315 минг гектар кенгайди, пахта хосили шу давр ичида гектарига 6,8 центнер ошди ва 20,3 центнерга етди. 1953 йилда колхозлар суғориладиган ерларда давлатга 1940 йилдагига нисбатан 82 процент кўп пахта топширдилар.

Лекин пахтачиликни ривожлантириш сур'атлари анча оширилиши мумкин ва оширилиши лозим. Суғориш тормоқлари бўлгани ҳолда фойдаланилмай келаётган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига қўшиш пахта етиштиришни кўпайтиришда катта резервдир. Ўрта Осиё, Закавказье ва Жанубий Қозоғистоннинг пахтакор районларида бундай ерлар 900 минг гектардан кўпроқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда пахтачиликни кучли равишда юксалтириш вазифасини ҳал этишда Ўзбекистон пахтакорлари ғоят катта роль ўйнайдилар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Ўзбекистонда пахтачиликни янада юксалтиришга катта аҳамият бериб, республиканинг колхозлари, МТС ва совхозлари олдига жанговар вазифани — 1954 — 1958 йилларда пахта етиштиришни камида 1,8 миллион тонна кўпайтириш ва 1958 йилда пахта етиштиришни 4,2 миллион тоннага етказиш вазифасини қўйдилар. Бу йил Ўзбекистон мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериши лозим.

Мамлакатимизда пахта етиштиришни кўпайтиришнинг йўли — ҳосилни янада оширишдан, экин майдонларини кенгайтиришдан иборатдир. Пахтакор районлардаги партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари ана шу йўлдан бориб, пахта учун курашда янги катта муваффақиятларга эришадилар. Шу кунларда уларнинг энг асосий вазифаси чигитни тез ва яхши экиб олишдан иборатдир.

(«Правда»нинг 19 апрельдаги бошмақоласи).

Москвада „Комеди Франсез" театрининг гастрольлари тамом бўлди

18 апрельда Москвада «Комеди Франсез» театрининг сўнгги спектакли бўлди. Давлат академик Малий театрининг саҳнасида П. Корнельнинг «Сид» номли трагедияси ва Ж. Ренарнинг «Рижик» номли бир пардали комедияси кўрсатилди.

Франциядаги энг кекса миллий театрнинг гастрольлари театр ҳаётида анча катта воқиа бўлди ва пойтахт аҳолисини ғоят қизиқтирди. Совет тамошобинлари Француз актёрларининг юксак маҳоратига муносиб баҳо бердилар. Москвалилар меҳмонларга ва улар орқали бутун Француз халқига ўзларининг самимий дўстлик ҳисларини ва қизғин муҳаббатларини изҳор қилдилар.

Француз актёрлари Москвада 16 марта спектакль қўйиб бердилар. Улар Москвада бўлган вақтларида пойтахтнинг ҳаёти блан танишдилар. Меҳмонлар В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейини бориб кўрдилар, Кремльнинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечирдилар. К. С. Станиславский музей-уйида, Л. Н Толстой музейида, Москва театрларида бўлдилар.

«Комеди Франсез» театрининг артистлари Ленинградга гастрольга жўнаб кетадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий сессияси

19 апрельда Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган илмий сессияси бўлди. Сессиянинг ишларида илмий муассасаларнинг вакиллари, олий ўқув юртларининг студентлари, ўқитувчилари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти К. Е. Житов сессияни очиб, Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг буюк тарихий аҳамияти тўғрисида, халқларнинг ленинча-сталинча дўстлигининг тантанаси тўғрисида, ўзбек халқининг коммунистик жамият қурилишида эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлади.

Сессияда тарих фанлари кандидати В. А. Шишкиннинг «Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги», юридик фанлар доктори Ҳ. С. Сулаймонованинг «СССР халқлари дўстлиги — Совет давлати куч ва қудратининг манба'и», тарих фанлари кандидати В. Я. Непомнининнинг «Ўзбек ва рус халқлари дўстлигининг тарихий илдизлари тўғрисидаги масалага доир», филология фанлари кандидати Х. Ш. Абдусаматовнинг «Ўзбекистонда украин адабиёти» ва иқтисодий фанлар доктори Ю. И. Исҳоқовнинг «Украин халқининг коммунизм қурилишидаги тарихий муваффақиятлари» деган темадаги докладлари эшитилди. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА (КОЛХОЗЛАР БЎЙИЧА) ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Сирдар'ё	73,5	5,3
Калинин	69,9	8,3
Гулистон	68,6	5,8
Чиноз	66,7	6,5
Оққўрғон	64,4	7,1
Оржоникидзе	59,0	8,7
Янгийўл	56,1	4,9
Ховос	54,2	4,9
Верхне-во[illegible]	53,2	6,6
Октябрь	52,9	5,8
Бекобод	51,0	6,7
Ўртасарой	48,1	8,6
Ўртачирчиқ	45,2	8,4
Бўка	42,1	6,2
Мирзачўл	39,4	4,8
Юқоричирчиқ	33,8	8,0
Пискент	32,0	5,6
Оҳангарон	21,0	4,8
Паркент	9,9	3,8
Область колхозлари бўйича:	51,3	6,3

Совет Иттифоқида

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишларида касаба союзларининг иштироки

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида касаба союзларнинг вазифалари масаласини муҳокама қилган ВЦСПСнинг XIII Пленуми касаба союз ташкилотларига қишлоқ хўжалиги олдига шу қарорда қўйилган амалий масалаларни ҳал этишда кун сайин иштирок қилиш вазифасини юклади.

Касаба союзларнинг Марказий комитетлари ва кенгашлари ВЦСПС XIII Пленуми қарорини бажариб, касаба союзларнинг тажрибали ходимларидан 625 кишини қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштираётган районлардаги МТСлар, ва совхозларнинг касаба союз-ташкилотларини мустаҳкамлаш учун юбордилар.

Бундан ташқари, ВЦСПС ҳамда касаба союзларнинг Марказий комитетларидаги ходимлардан яна 60 бригада ишчилар ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда ёрдам бериш учун Қозоғистон, Сибирь Урал ва Волгабўйи районларидаги МТСларга ва совхозларга 4—5 ой муддат блан яқинда жўнаб кетадилар. Шу бригадаларнинг а'золари фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришида кенг жорий қилиш тадбирлари тўғрисида, янги ерларда дон экинларини парвариш қилишни машиналаштириш, МТС ларда қўриқ ерларни ўзлаштириш учун тузиладиган трактор отрядлари ва бригадаларининг ишларини ташкил қилиш тўғрисида ва бошқа темаларда лекциялар тингладилар, шунингдек қишлоқ хўжалигига доир кинофильмларни кўрдилар.

ВЦСПС секретариати қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган МТСлар ва совхозлардаги барча трактор бригадаларини газеталар, журналлар, музика асбоблари, стол устида ўйналадиган ўйин асбоблари блан та'минлашга доир харажатлар учун 15 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратди. Бригадаларнинг ҳарқайсиси учун «Правда», «Труд», «Комсомольская правда» ва бошқа газеталар, журналлар ёздирилди. «Родина» радиоприемниги, патефон, гармонь ёки баян, шахмат ва бошқа ўйин асбоблари ажратилди.

Янги ерларни ўзлаштираётган МТСлар ва совхозларда доимий кутубхоналар ташкил қилинади. Шу кутубхоналарнинг ҳарқайсисида марксизм-ленинизм классиклари, илмий оммабоп бадиий адабиётлар ҳамда қишлоқ хўжалик масалаларига доир махсус адабиётлардан иборат камида 100 тадан китоб бўлади. Сайёр кутубхоначилар трактор бригадаларига китобларни элтиб бериб турадилар. Касаба союз ташкилотлари янги ерларни ўзлаштираётган районлардаги МТС лар ва совхозларнинг ишчи комитетларига шу кунгача ҳаммаси бўлиб ярим миллион донадан кўпроқ китоб юбордилар. (ТАСС).

КАХОВКА ГЭСИНИНГ ТУРБИНАСИ УЧУН БИРИНЧИ ҒИЛДИРАК ТАЙЁР БЎЛДИ

КРАМАТОРСК, 17 апрель. (ТАСС). Сталин номидаги Новокраматорск заводининг 2-нчи сонли фасон-қуюв цехида бугун Каховка гидроэлектростанциясининг турбинаси учун биринчи ғилдирак тайёр бўлди. Бу ғилдиракнинг оғирлиги 80 тонна.

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ МУКОФОТИ УЧУН СУЗУЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

МИНСК, 17 апрель. (ТАСС). Белоруссия физкультура институтининг янги қурилган ҳовузида бугун «Комсомольская правда» газетаси мусобақаси учун ўтказиладиган традицион Бутуниттифоқ сузиш мусобақаларининг байроғи кўтарилди. Белоруссия пойтахтига Совет Иттифоқининг энг кучли сузучиларидан 200 тадан кўпроқ киши келди.

Мусобақалар бирнеча кун давом қилади.

ЯНГИ РАДИОЛА

РИГА, 17 апрель. (ТАСС). А. С. Попов номидаги Рига радио заводининг инженер-техник ходимлари радиоланинг янги нусхасини тайёрладилар.

Бу радиоприёмникнинг олтита лампаси бор. Радиоприёмникнинг тўрт диапазони ёритиш шкаласи остига ўрнатилган кнопка механизми ёрдами блан ишга солинади. Махсус регулятор овознинг паст-баландлигини ва тиниқ бўлишини та'минлаб туради.

Радиоприёмникнинг проиграиватели унинг остки қисмига жойлаштирилган. Приемникнинг мана шу остки қисмида оддий ва узоқ чалинадиган пластинкалар учун мўлжалланган янги мукаммал звукосниматель ўрнатилган.

Бу аппаратга репродуктор улаш мумкин. Бу эса, радиоладан клублар ва қизил бурчакларда фойдаланишга имкон беради.

Завод коллективи бу йил шундай радиоладан 5 минг дона чиқаради.

ЧЕТЭЛЛАРНИНГ КАСАБА СОЮЗ ИШЧИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

ВЦСПСнинг таклифига мувофиқ 17 апрельда Москвага Хитой касаба союз делегацияси ва инглиз ишчилар делегацияси келди. Бу делегациялар Биринчи Май байрамида иштирок қиладилар.

Хитой делегациясининг составида раҳбар касаба союз ходимлари ва ишлабчиқариш илғорлари бор. Делегация бошлиғи — Бутунхитой касаба союзлари Федерацияси президиумининг а'зоси Ду Янь-ци. Инглиз делегацияси кончилар миллий касаба союзи Дарем районининг ҳазиначиси Гуго Стрит бошчилиги остида келди.

Внуково аэродромида меҳмонларни ВЦСПС секретари Я. И. Соловьев, ВЦСПС нинг ва касаба союзлари марказий комитетларининг мас'ул ходимлари кутиб олдилар. (ТАСС).

МУСОБАҚАДОШ РАЙОНЛАРДА

(гектарига процент ҳисоби блан)

ХОВОС		*БЕКОБОД*
53,4	Тракторлар блан пахта ерларини ҳайдаш	57,6 [1]
54,2	Чигит экиш	51,0 [2]
84,0	Эртаги картошка экиш	37,0
10,0	Эртаги сабзавот экиш	32,0
10,3	Кўпйиллик ўт экиш	86,3

[1] Ма'лумот 15 апрельгача.
[2] Ма'лумот 19 апрельгача.

☆ ☆ ☆

Келтирилган ма'лумотлардан кўриниб турибтики, бу иккала мусобақадош район кўкламги мавсумда қилиниши зарур бўлган ишларнинг бирор турини ҳам тузуккина бажармаган. Ҳечқандай асос бўлмагани ҳолда кейинги вақтларда ҳар иккала район колхозларида ҳам чигит экиш сур'ати ниҳоятда пасайиб кетди. Масалан, Ховос районини олайлик. Бу район чигит экишнинг дастлабки кунларида сводкада иккинчи ўринда эди. Лекин районнинг кўпчилик колхозларида эришилган дастлабки муваффақиятлардан мағрурланиш аломатлари кўрина бошлади. Натижада район чигит экишда кундан-кунга орқада қолиб, ҳозир сводкада саккизинчи ўринга тушиб қолди. Худди шу каби Бекобод район колхозлари ҳам ана шу мас'улиятли кунларда ўзларидаги мавжуд моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланмаётирлар. Бу эса районда чигит экиш сур'атининг тобора пасайиб кетишига сабаб бўлаётир. Район чигит экиш планини энди 51,0 процент адо этиб, ҳозир сводкада ўнбиринчи ўринда бормоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, ҳар иккала районнинг ҳам партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, МТС ва колхоз раҳбарлари бу йилги кўкламнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ҳисобга олмаётирлар. Ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли колхозларда юз берган қийинчиликларни ишчанлик блан енгиш, экиш сур'атини ошириш учун барча тадбирлар амалга оширилмаётир. Ваҳоланки, ҳар иккала районда ҳам дала ишларини муваффақиятли уюштириб, чигит экишни тез ва сифатли қилиб ўтказиш учун тўла имкониятлар мавжуд. Бунга ана шу районлардаги илғор колхозларда чигит экишнинг муваффақиятли ўтказилаётгани ва шу кунларда чигитни текис ундириб олиб, дастлабки ғўза парваришини бошлаб юбориш юзасидан олиб борилаётган ишлар яққол мисол бўла олади.

Район партия ва совет ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари чигит экишда орқада қолаётган колхозларга амалий ёрдам беришлари, қолоқлик сабабларини чуқур ўрганиб, тегишли чораларни кўришлари керак. Лекин, уларнинг иш услубида ҳамон раҳбарликнинг эскича методи бўлган — кабинетдан туриб раҳбарлик қилиш, берилган сводкаларгагина ишониб, колхоз далаларидаги ҳақиқий аҳвол блан қизиқмаслик ҳоллари ҳукм сурмоқда. Бунга тездан хотима бериш зарур.

Кўклам дала ишларининг энг қулай агротехника муддатлари кундан-кунга ўтиб бормоқда. Ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳарбир соати бутун ҳосилнинг тақдирини ҳал қилади. Мусобақадош Ховос ва Бекобод районларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари, колхозларнинг раислари мас'улиятни тўла ҳис этганлари ҳолда, шу кунларда қилиниши зарур бўлган ишларнинг тўла бажарилиши, чигит экишда юз берган ташвишли аҳволнинг олдини олиб, барча колхозларда чигит экишни сифатли қилиб тамомлаш юзасидан тегишли чораларни кўришлари керак. Пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида Майолди социалистик мусобақасини янада кучайтириб юборайлик!

Қишлоқ механизаторларига заводнинг ёрдами

Тошкентдаги Каганович номли паровоз-ремонт заводининг коллективи Сирдар'ё районидаги иккинчи МТСга ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери оталик қилиб келмоқда. Шу вақт ичида корхона ишчилари ва мутахассислари қишлоқ механизаторларига катта ёрдам бердилар.

Бу йил завод блан МТСнинг дўстлиги янада мустаҳкамланди. Темирйўлчилар механизаторларга қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишнинг технология процессини йўлга қўйишда ёрдам бердилар. Газосваркачи, электросваркачи ва уч слесарь МТС га жўнаб кетди. Улар механизаторларни меҳнатни ташкил қилишнинг илғор методлари блан таништирадилар.

Заводнинг инженер-техник ходимлари ҳам механизаторларга тез-тез меҳмон бўлиб келмоқдалар. Улар бу ерда техника темаларида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. (ЎзТАГ).

ДАВЛАТГА ЮҚОРИ НАВ'ЛИ ҚОРАКЎЛ ТЕРИСИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг чорвадорлари қўзилатишни уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар. Колхознинг ўртоқ Оқбўта Эрманов бошлиқ қоракўлчилик отори совлиқларни қўзилатишда яхши натижаларга эришмоқда. Чўпонлар ўзларига топширилган 450 бош қоракўл совлиқдан ҳозиргача 230 тасини қўзилатиб, улардан 240 та соғлом қўзи олдилар. Шу блан бирга давлатга юқори сифатли қоракўл териси топшираётирлар.

Колхоз ҳозир давлатга 120 та юқори сортли қоракўл териси етказиб берди. Чорвадорлар қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиб, давлатга қоракўл териси топшириш мажбуриятини тўла бажариш учун курашмоқдалар.

Т. РУЗИБОЕВ.

ҚИШЛОҚ РАЙОНЛАРИДА БИР ЮЗТА ЛЕКТОРИЯ

Юқоричирчиқ районидаги 3 колхозда ва икки машина-трактор станциясида янги лекториялар очилди. Биринчи лекциялар КПСС МК сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларига бағишланди. Мирзачўл районидаги учинчи МТСда, Оржоникидзе районининг колхозларида, «Малик» совхозида ва 12-нчи боғдорчилик совхозида ҳам янги лекториялар ташкил қилинди. Колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари учун партия ва совет ходимлари, Сиёсий-илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг а'золари лекциялар ўқимоқдалар.

Ҳозирги вақтда Тошкент областининг қишлоқ районларида юздан ортиқ лектория бор. (ЎзТАГ).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

Юксалаётган коллектив хўжалик

Кечки пайт. Колхознинг ҳашаматли клуби одамлар блан лиқ тўлган. Қишлоқ электр чироғлари блан чароғон. Клуб ёнидаги залда ёш йигит-қизлар тўпланиб, турли ўйинлар ўрганмоқдалар, ашулалар айтмоқдалар.

Қишлоқнинг ўрта еридаги катта бинога жойлашган тикувчилик ишхонасида кундузлари ҳам, кечалари ҳам иш тўхтамайди. Байрам арафасида бу ерга келувчилар кун сайин кўпаймоқда. Ёшлар ҳам, кексалар ҳам ёзлик кийим-бошлар тиктиришга киришганлар. Колхознинг тикувчилик ишхонаси ҳарбир кишининг талабини ўрнига қўйиб бажармоқда.

...Духовой оркестр байрам кунларига тайёрланмоқда. Қишлоқда байрам арафасига тайёргарлик қизғин бораётир.

Радиоузел орқали ҳар куни кечқурун байрам шарафига бошланган социалистик мусобақанинг бориши тўғрисида янги-янги хабарлар эшитдирилади. Чигит экиш илғорлари, шоликорликда ишлаётган механизаторларнинг меҳнат натижалари ҳаммага ма'лум бўлади.

Илгари тўқайзор—ташландиқ бўлган «Чивинтепа»да барпо қилинган бу қишлоқ хўжалик артелининг номи коллектив меҳнат туфайли Иттифоқимизда машҳур бўлди. «Полярная звезда» колхози ўз илғорлари — деҳқончиликда янгиликларни ижод қилган донгдор кишилари блан республикамизда ном чиқарди.

Озгина экин майдони блан деҳқончилик қилишга киришган бу артелнинг а'золари партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, доимий ёрдами туфайли фидокорона меҳнат қилиб, ўз колхозларини хўжалиги ривожланган, юқори ҳосилли қишлоқ хўжалик артели даражасига етказдилар. Бу ерда тўқайзордан асар ҳам қолмаган, маданий шаҳарча пайдо бўлган. Қишлоқнинг маданияти йил сайин ўсиб, ривожланиб бормоқда. Бу ерда 4 та мактаб бор, биргина ўрта мактабда 800 дан ортиқ ўқувчи та'лим олмоқда. Болалар боғчаси ва яслисининг биноси қишлоқнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турипти. Сельмаг, озиқ-овқат магазини ва «Книжторг»нинг алоҳида магазини қишлоқ аҳолисининг талабларига жавоб берарлик даражада хизмат қилаётир.

Колхознинг аҳил оиласида 616 хўжалик яшайди. Колхозчилар коллектив хўжаликни ривожлантиришда, деҳқончилик маданиятини оширишда, ҳамма майдондан муттасил мўл ҳосил етиштиришда эришган катта муваффақиятлари учун коллектив хўжалик ўсиб, юксалмоқда. «Полярная звезда» колхози Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. 1953 йилнинг якунлари бу муваффақиятни яққол ифодалайди.

1952 йили колхозга камҳосилли «Кучлик» колхози қўшилди. Ўтган йили эса «Янги турмуш», «Қизил куч»колхозлари бирлашди. Илгари бу колхозларнинг ерларида 12—13 центнердан пахта ҳосили олинган эди. Колхоз бирлашгандан кейин ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун кўрилган чоралар, механизация воситаларидан унумли фойдаланиш ва колхозчиларнинг фидокорона меҳнати натижасида ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 35—40 центнергача кўпайди.

Энди бу колхоз хўжалигида пахтачилик асосий ўрин тутади. Ўтган йили 860 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олинди. Кейинги икки йил ичида пахта майдони 3 баравар кўпайди. Айрим бригадалар пахтачиликда илғорлар тажрибасини жорий қилиб, агробиология фани янгиликларини ўрганиб, юқори ҳосил етиштириш намуналарини кўрсатдилар. Ким Ги Бок бошлиқ бригада 41,5 центнердан, Ким Со Фи бошлиқ бригада эса 42,5 центнердан ҳосил олдилар. Ўртоқ Бакиров звеноси ҳосилни 45 центнерга етказди.

Бу илғорларнинг тажрибаси илгариги шолипоя ерларда чигит экиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатади.

Колхознинг бошқа тормоқлари ҳам тез ривожланмоқда. Экин майдони 2 минг 500 гектардан ошди. Шолидан мўл ҳосил етиштиришда ҳам колхознинг илғор кишилари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. 542 гектар шоли майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олинди. Ви Ю Хон. Лок Сен Хван ўртоқлар бошлиқ бўлган звенолар гектаридан 40 — 45 центнердан шоли етиштирдилар.

Колхозда илғорлардан 19 киши қишлоқ хўжалик виставкасига кандидатдир. Булар орасида пахтакорлар, шоликорлар, чорвадорлар, ва ғаллакорлар бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ни Николай пахтадан мўл хосил етиштирганлиги, Ким Тен шолидан юқори ҳосил олгани, Тен Алексей ҳарбир соғин сигирдан олинадиган сут планини ошириб бажарганлиги, сут соғучи Хон Кене 15 бош сигир соғиб, ҳарбир сигирдан энг кўп сут олганлиги учун қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилган.

Колхозда ўзининг фидокорона меҳнати туфайли донг чиқарган илғор кишилар кўп. 25 киши пахтадан ва шолидан мўл ҳосил етиштирганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвон эгаси бўлди. 400 дан ортиқ колхозчи СССР орден ва медалларини олишга сазовор бўлганлар.

Пиллачилик колхоз хўжалигида янги соҳа ҳисобланади. Ўтган йили биринчи марта 12 қути пилла уруғидан 87 килограммдан пилла ҳосили олинди. Лий Чер Сен, Ким Бов ўртоқлар бу соҳада намуна кўрсатдилар.

★

Бу йил колхоз а'золари 1000 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Шу кунларда илғор бригада ва звенолар чигит экишни тугаллаб, уни ердан қийғос ундириб олиш мақсадида барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Колхозда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига келгуси йилларда ҳам қатнашиш ҳуқуқига эришиш учун социалистик мусобақа қизғин бораётир. Бу ҳақда колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Нам бундай дейди:

— СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ҳақида» деб чиқарган қарорини колхозчилар зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Шу кунларда партия ташкилоти колхоз коммунистлари блан биргаликда бу қарорни ҳамда виставка Бош Комитети қарори блан белгиланган кўрсаткичларни колхозчилар ўртасида кенг тушунтириб бермоқдалар. Радио узел орқали бу ҳақда бирнеча темаларда суҳбатлар ўтказилди. Колхозда 1955 йилги виставкага ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун социалистик мусобақа қизғин тус олган. Механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаётган пахтакорларимиз бу мусобақада олдинда бормоқдалар.

«Полярная звезда» колхозининг а'золари ўз коллектив хўжалигини янада юксалтириш, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми белгилаб берган улуғ программани тўла амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВНИНГ олтмиш ёшга тўлиши муносабати блан қардош партиялардан олинган табрик телеграммалари

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқ ХРУШЧЁВга

Қадрли ўртоқ Хрушчёв!

Сизнинг олтмиш ёшга тўлган кунингизда партиямиз Марказий Комитети номидан Сизга кўпйиллар умр кўришингизни ҳамда тинчлик иши ва коммунизм улуғ иши йўлида янада самарали ишлашингизни истаб энг самимий тилакларимизни йўллаймизки, Сиз коммунизм улуғ ишига ёшлик чоғингиздан бошлаб садоқат ва фидокорлик блан хизмат қилиб келмоқдасиз. Польша ишчилар синфи Сизнинг шахсингизда улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг вакилини ва отоқли раҳбарларидан бирини табриклаб, Сизнинг партиямиз Иккинчи с'ездига қатнашганингиз ҳақида энг самимий хотираларни сақлаб қолди.

Сизни шонтириб айтишга рухсат этгайсизки, Сизнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитета номидан с'ездимизга айтган сўзларингиз ва фикрларингиз қалбимизга чуқур сингиб жойлашди ва биз партиямизнинг Иккинчи с'езди томонидан олдимизга қўйилган улуғ вазифаларни мумкин қадар яхшироқ бажариш учун ҳамма ишларни қиламиз. Биз шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси блан ёнма-ён туриб ва унинг ғоявий раҳбарлиги остида умумий иш учун курашиб, тинчликни ҳимоя қилиш ишида, империалистларнинг кирдикорларига қарши курашда бизнинг қардошларча ҳамкорлигимизни, биргаликдаги фаолиятимизни ҳормай-толмай мустаҳкамлаймиз, бутун тинчлик ва социализм лагерининг бузилмас бирлигини мустаҳкамлаймизки, бутун инсониятнинг йўл кўрсатучи юлдузи бўлган улуғ Совет Иттифоқи шу лагерьнинг таянчи ва байроғидир.

Польша бирлашган ишчи партиясининг Марказий Комитети номидан
БОЛЕСЛАВ БЕРУТ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчёвга

Ўртоқ Хрушчёв, Венгрия Меҳнаткашлар партиясининг Марказий Комитети Сизнинг олтмиш ёшга тўлишингиз муносабати блан Сизга қизғин табрикларини йўллайди.

Венгрия коммунистлари, бутун венгер халқи Сизнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафларида Ленин ишини фидокорона давом этдируччи ва Сталиннинг жанговар сафдоши сифатидаги кўп йиллик фаолиятингизга чуқур ҳурмат ҳислари блан тўлиб-тошгандирлар. Биз Сизни бутун дун'ёдаги коммунистик ва ишчи партиялар учун намуна бўлган партиянинг отоқли ташкилотчиларидан ва раҳбарларидан бири сифатида табриклаймиз. Биз Сизни коммунизм қуриш иши учун толмас курашчи, партия ва халқнинг душманларига қарши ҳамиша муросасиз кураш олиб борган, тинчликни ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида тинмай меҳнат қилиб келган киши сифатида табриклаймиз.

Ўртоқ Хрушчёв, Сизнинг яна кўп йиллар умр кўришингизни, сиҳат-саломат бўлишингизни ҳамда мустаҳкам тинчлик, халқлар озодлиги ва бахт-соадати манфаатлари йўлида Коммунистик партия, совет халқи ва бутун дун'ё меҳнаткашлари равнақи учун ижодий иш олиб боришингизни чин қалбимиздан тилаймиз.

Венгрия меҳнаткашлар партиясининг Марказий Комитети.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчёвга

МОСКВА.

Қадрли ўртоқ Хрушчёв!

Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сизнинг шонли 60 йиллигингиз кунида Сизга самимий табрикларини йўллайди.

Биз Сизни Лениннинг содиқ шогирди, Сталиннинг сафдоши ва Совет Иттифоқи шонли коммунистик партиясининг ўзининг бутун ҳаётини Совет Иттифоқида коммунизм ғалабаси учун курашга бағишлаган отоқли арбоби сифатида табриклаймиз.

Ўртоқ Хрушчёв, совет халқларининг ва жаҳондаги барча бошқа халқларнинг бахт-саодати йўлида, тинчлик ва тинч халқаро ҳамкорлик йўлида янада самарали ишлашингиз ҳамда улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига раҳбарлик қилишингиз учун Сизга чин қалбимиздан куч-қувват ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитети.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВга

Қадрли ўртоқ Хрушчёв!

Хитой Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сизнинг туғилган кунингизга 60 йил тўлиши муносабати блан Сизга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва совет халқининг отоқли раҳбари, Ленин — Сталин партиясининг улуғ иши учун ҳормай-толмай кураш олиб бораётган ҳамда бу ишга катта ҳисса қўшган содиқ курашчига ўзининг қизғин ва қардошлик табрикларини йўллайди ва Сизга сиҳат-саломатлик тилайди.

Хитой Коммунистик партиясининг Марказий Комитети.

МОСКВА

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқ ХРУШЧЁВга

Қадрли ўртоқ!

Сизнинг 60 ёшга тўлган кунингизда Сизнинг сиҳат-саломат ва бақувват бўлишингизни ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг олдинги сафларида туриб яна кўп йиллар муваффақиятли иш олиб боришингизни тилаймиз. Сизни халқаро ишчилар ҳаракатининг йўлбошчилари Ленин ва Сталиннинг энг яқин сафдошларидан бири сифатида, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг энг кекса а'золаридан бири сифатида ҳурмат қиламиз. Сиз жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ташкилотчиси ва қуручиси бўлган партия, совет халқини ғалабадан ғалабаларга бошлаб бораётган ва биз учун ишимизда порлоқ намуна бўлган партия раҳбарлигининг ижодий ишида иштирок этмоқдасиз.

Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчёвга

Руминия ишчи партиясининг Марказий Комитети Сизнинг олтмиш ёшга тўлишингиз муносабати блан, Лениннинг содиқ шогирди ва Сталиннинг сафдоши, ўзининг бутун ҳаётини меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун курашга бағишлаган Сизга ўзининг қизғин қардошлик табригини йўллайди.

Совет Иттифоқининг шонли Коммунистик партияси томонидан очиб берилган йўлдан қат'ият блан бораётган ҳамда халоскор совет халқи блан дўстликни ва бузилмас иттифоқни оғишмай мустаҳкамлаётган румин халқи Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли қуручиларидан ва раҳбарларидан бири бўлган Сизнинг коммунизм ва тинчлик ишининг тантанаси йўлида узоқ йиллар яшашингизни ва самарали ишлашингизни тилайди.

Руминия ишчи партиясининг Марказий Комитети.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВга

Қадрли ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчёв!

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиз туғилган кунинг олтмиш йиллигида Сизга, Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретарига қардошларча табрик йўллайди.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг а'золари Сизни Ленин блан Сталиннинг содиқ ва ижчил шогирди ҳамда сафдоши, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг отоқли ташкилотчиси ва раҳбари деб билиб ҳурматлайдилар.

Сиз тинчлик, халқлар ўртасидаги дўстлик ва коммунизм учун кўп вақтдан буён курашиб келмоқдасиз. КПСС ва совет халқи Сизга турли мас'улиятли лавозимларни топшириб изҳор қилган буюк ишончини Сиз шу кураш давомида доим оқлаб келдингиз.

Қадрли ўртоқ Хрушчёв!

Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати учун, шунингдек тинчлик ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун Сизнинг узоқ йиллар мобайнида самарали ишлашингизни чин кўнглимиздан тилаймиз.

Социалистик салом блан!

Германия бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети.
В. УЛЬБРИХТ.

Суратда: Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг старший илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати **М. Ганиева** ипак қурти касалликларига қарши кураш устида лабораторияда илмий-текшириш ишлари олиб бормоқда.

И. Душкин ва **В. Лейн** фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

ГУЛИСТОН районидаги «Красная заря» колхозида 7 хоналик болалар боқчаси биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Колхоз правлениеси болалар боқчаси учун кровать, одеял, чойшаб ва ҳархил ўйинчоқлар сотиб олиш учун 10 минг сўм пул ажратди.

Т. Рўзибоев.

* * *

Кейинги уч йил ичида шаҳтёрлар шаҳри — Оҳангаронда 300 га яқин шахсий уй-жой бинолари қурилди. Бу йил яна 60 ишчи ва хизматчи уй солишга киришди. Уй қуручиларга давлат томонидан ссуда берилмоқда.

П. Федоров.

* * *

ЯНГИЙЎЛ район ижроия комитети ва район партия комитети болалар боқчаси ва ясли ходимлари тайёрлаш бўйича бир ойлик курс ташкил қилди. Бунда 20 дан ортиқ хотин-қиз ўқимоқда. Улар фельдшер ўртоқ Кўшаев бошчилигида райондаги намунали боқча ва яслиларга борib, тарбиявий ишлар блан танишмоқдалар.

Т. Нишонбоев.

* * *

БЎКА районида ёз мавсумида меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари учун маданият ва истироҳат боғи қурилабошланди. Бунга район мактабларининг комсомол ва пионерлари актив ёрдам бермоқдалар.

А. Маҳмудов.
К. Обидов.

* * *

ЧИНОЗ районининг колхоз ва совхозларида дарахт кўчати ўтқазиш ишлари қизиб кетди. Шу кунгача 5 минг тупдан ортиқ мевали кўчат ва 20 минг тупдан ортиқ соя беручи дарахтлар ўтқазилди.

Район территориясига яна 2 минг туп мевали ва 5 минг туп хушманзара дарахт кўчатлари ўтқазилади.

В. Юнусов.

* * *

Бу йилги кўкламги дарахт кўчатлари ўтқазиш мавсумида Тошкент шаҳрининг ҳамма участкаларида 85 минг 200 тун дарахт кўчати, 61 минг турли ўсимликлар ўтқазилади. Ҳозир 441 минг туп паст бўйли бута, шунингдек, бирнеча юз минг туп кўпйиллик, бирйиллик ўсимлик кўчатларини ўтқазиш ва турли гул уруғларини экиш ишлари олиб борилмоқда.

Х. Қурбон.

* * *

ТОШКЕНТ районидаги Ленин номли колхозда район ДОСААФ жамияти ташаббуси блан уч ойлик шоферлар курси очилди. Курсда ўқиш қизғин давом этмоқда.

А. Отабеков.

* * *

СИРДАР'Ё районидаги «Малик» совхози партия ташкилоти ҳузурида лекторлар группаси ишлайбошлади. Лекторлар группасига мактаб ўқитучилари, совхознинг агроном ва инженерлари жалб қилинган.

Шунингдек 1 ва 2-нчи МТС бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ҳам лекторлар группаси ташкил қилинди.

Э. Раҳмонов.

Маданият ходимларининг область кенгаши

17 апрельда область маданият бошқармасида район маданият бўлимлари ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Ашула байрамига тайёргарлик ва аҳолига кино хизматини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Бунда Оржоникидзе, Ховос, Калинин, Тошкент, Сирдар'ё ва бошқа район маданият бўлимлари мудирларининг Ашула байрамига тайёрликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Ховос, Оржоникидзе, Калинин, Сирдар'ё районларида ташкил этилган ҳаваскорлар тўгаракларида Ашула байрамига тайёрлик анча яхши бормоқда. Сирдар'ё районида 17 ҳаваскорлар тўгараги ишлаб турибди. Калинин, Оржоникидзе районидаги бадиий ҳаваскорлар тўгаракларига 800 дан ортиқ ҳаваскор ёшлар жалб этилган бўлиб, булар турли ашулаларни ўрганмоқдалар.

Лекин умуман олганда областьда Ашула байрамига тайёргарлик қониқарсиз аҳволда. Кўпчилик районлардаги партия, комсомол ташкилотлари бу муҳим традицион умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ишига жиддий э'тибор бермаётирлар. Бунинг натижасида Ашула байрамига тайёрлик ишлари қизитиб юборилмаган. Район маданият бўлимлари колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ошириш ишларига кам аҳамият бермоқдалар. Ёшларни Ашула байрамига актив иштирок этдириш комсомол ташкилотларининг вазифаси эканини айрим район комсомол комитетларининг секретарьлари тушуниб олмаганлар. Жумладан, Калинин район комсомол комитетининг секретарьлари Қаҳҳорхўжаева, Эгамбердиев ўртоқлар Ашула байрамини ўтказиш район комиссиясининг а'золари бўлатуриб, бу ишга сра бош қўшмаётирлар.

Байрамда ижро этиладиган ашула текстлари ҳалигача ижрочиларга етказилмаган. Область книготорги томонидан районларга юборилган 4000 дона ашулалар тўпламини район маданият бўлимлари тўгаракларга тарқатмаганлар. Жойларда тўгараклар бадиий раҳбарлар блан та'мин этилмаган.

Кенгаш Ашула байрамига тайёргарликни қизитиб юбориш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Кенгашда кинолаштириш соҳасида юз бериб келаётган жиддий камчиликлар ҳам қаттиқ танқид қилинди. Область кинолаштириш бўлими I квартал планини бажармади. Бунга бошқарма ходимлари ўртасида меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлаётир. Айрим районларда давлат мулкини талон-тарож қилиш каби ярамас фактлар юз бермоқда. Тошкент районида ишлаб келаётган кино механик Ёқубов 250 кишидан пул олиб, уларни билетсиз кино залига киритган ва пулни ўзи олган. Бу ҳақда область кинолаштириш бўлимининг бошлиғи ўртоқ Анваровга бирнеча марта айтилган бўлса ҳам, у жиноятчи Ёқубовга нисбатан чора кўрмай, аксинча уни ҳимоя қилиб келган.

Айрим районларда кино лента лардан унумли фойдаланмаслик ҳоллари ҳам юз бермоқда. Мирзачўл районида турли кино лента лар 174 кун, Оржоникидзе районида 156 кун фойдаланилмай бекор турган.

Мавжуд киноустановкалардан тўла фойдаланиш ишига э'тибор берилмаётганлиги натижасида ўтган 3 ой давомида 34 та киноустановка ишламаган. Мирзачўл, Бекобод, Қуйичирчиқ районларидаги кино аппаратларни ремонт қиладиган мастерскойлардан тўрттаси талабга жавоб бермаётир. Бу устахоналар кино аппаратларини ўз вақтида ремонт қилиб бермаётирлар.

Кино механиклари ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетганидан ба'зи кино-театрларда сеанслар ўз вақтида бошланмайди. Калинин районидаги кино механик Худайберганов кўп вақт киносеансни кеч соат 9 да бошлаш ўрнига соат 10—11 да бошлайди.

Кенгаш Ашула байрамига тайёргарликни янада кучайтириш ҳамда аҳолига кино хизматини яхшилаш ҳақида тадбирлар белгилади.

Машинасозларнинг қишлоқ хўжалиги ходимларига ёрдами

Чирчиқ шаҳридаги «Средазхиммаш» заводининг коллективи бирнеча йилдан бери ўз оталигига олган Юқоричирчиқ районидаги 1-нчи МТС ва Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозга яқиндан амалий ёрдам бериб келмоқда.

Шу мақсад блан завод коллективи яқинда МТС га бир группа ремонтчи мутахассислардан иборат авторемонт устахонасини юборди. Булар ичида завод токарьларидан Турецкий, Волков, слесарь-ремонтчилардан Исҳоқов, Глебов ва бошқа ўртоқлар бор. Улар кўкламги экиш кампаниясида МТС хизматчиларига яқиндан ёрдам бериш ва ўз тажрибалари блан ўртоқлашиш мақсадида келдилар. Завод коллективининг оталигидаги Ленин номли колхозда 3 секциядан иборат теплица қурилмоқда. Завод коллективи қурилишга раҳбарлик қилиш учун колхозга икки кишидан иборат қурилиш техникини юборди. Шунингдек, завод теплица қурилишига транспорт воситалари, турли хил қурилиш асбоблари ва бошқа соҳалар бўйича ёрдам бериб келмоқда.

Чирчиқ машинасозлари Ленинграддаги Киров номли завод коллективининг қишлоқ хўжалиги машиналари учун запас қисмлари тайёрлашни муддатидан илгари бажариш ҳақидаги ташаббусига қўшилиб, социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Майолди меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Иброҳимов, Бессонов, Ильин ва бошқа ўртоқлар запас қисмлар тайёрлаш бўйича смена топширигини доимо 2—2,5 баравар қилиб бажармоқдалар.

О. ЛЕВАК.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

МАҚТАНЧОҚЛИК

«Социалистик Бекобод» газетаси ўзининг 13 апрель сонида «Партия турмуши» рубрикаси остида шаҳардаги «Социалистический Бегават», «Социалистик Бекобод» газетаси редакциялари ҳамда босмахона бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳақида «Партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишлар янада яхшилансин» сарлавҳали газета саҳифасининг бошдан-оёқ икки колонкасини эгаллаган катта бир мақола босиб чиқарди.

Мақоланинг узундан-узоқ кириш қисмидан сўнг, бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган ишларига ўтилади. Газетанинг ёзишича, партия ташкилоти ҳисобот даврида **«... партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларни яхшилашда кўпгина ишлар қилди».**

Шу сўзлардан сўнг газетхон: хўш, кўпгина қилинган бу ишлар нималардан иборат экан, деб қизиқади ва мақолани ўқишда давом этади. Лекин, қизиққан саволларига жавоб топалмайди. Камчиликларни очиб ташлаш ўрни келганда, газета бу ҳақда бир-икки оғиз умумий сўзлар блан чегараланиб, навбатдаги масалага ўтади. Газетанинг ёзишича, музокараларда сўзга чиққан босмахона директори ўртоқ Карсаков **«...партия ташкилотининг ҳисобот даврида қилган ишларини ва эришилган муваффақиятларни қайд қилиб»** ўтган. Газета яна бундай деб ёзади:

«Социалистический Бегават» газетасида редакторлик вазифасини бажаручи ўртоқ Вандишев партия ташкилотидаги камчиликларни гапирди». Хўш, бу камчиликлар нималардан иборат, уларни тузатиш йўллари қандай? Афсуски, газета бу ҳақда лом-мим демайди, аксинча, партия ташкилотининг ишларини кўкларга кўтариб, қайта-қайта мақтайди ва мақола охирида йиғилиш **«партия ташкилотининг хисобот давридаги ишига қаноатбахш (?) баҳо берди»** дейди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, йиғилишда ҳисобот докладини партия ташкилотининг ишларини беками-кўст қилиб ўқучига кўрсатаётган шу газета редактори ўртоқ Т. Қудратов қилган.

Газетхонда ўз-ўзидан қуйидаги савол туғилади: «Редакция ходимларини ўзлари ҳақида бунчалик мақтов гапларни ёзишга нима мажбур қилди?!»

Танқид ва ўз-ўзини танқид, айниқса қуйидан бўладиган танқид ишимиздаги камчиликларни йўқотишда кучли қуроллдир. Аммо «Социалистик Бекобод» газетаси совет матбуотининг шонли традициясига тамомила ёт бўлган—танқиднинг менсимаслик позициясига ўтиб олган. Бунинг устига мақола қунт блан тахрир қилинмай, пала-партиш, чалкаш ва тушунилиши қийин бўлган тўмтоқ жумлалар блан ёзилган:

«Касаба союз ташкилотининг собиқ раиси ўртоқ Боқиев партия ташкилотининг февраль ойидаги мажлис қарорини бажарилмаётганлигини я'ни маҳаллий радио эшитдириш ишларини ёмонлиги, фақат газетадан ўқиш блан чегаралана-ётганлигини, ўзбек тилида радиода ҳеч қандай хабар эшитдирилмаётганлигини кўрсатиб, қарорда ўртоқ Вандишевга топширилган бўлиб, Вандишев партия мажлисининг қарорини бажармай келаётганлигини танқид қилди».

Мақола автори ва редакция ходимлари бу мужмал жумлада нима демоқчилар?

Мирзачўл колхоз-совхоз театри амалий ёрдамга мухтож

1948 йилда областьдаги колхозчиларга ва совхоз ишчиларига маданий хизматни янада яхшилаш мақсадида Мирзачўл колхоз-совхоз театри ташкил қилинди. Театр коллективи зиммасига янги ерларни ўзлаштириб, уни кенг экинзорларга айлантириш учун Мирзачўлга кўчиб келган мингларча колхозчи деҳқонларга маданий хизматни кучайтириш вазифаси юклатилган эди. Давлат, колхоз-совхоз театрини ташкил этиш учун катта маблағ ажратди. Мирзачўлда театр биноси қурилиб, театрнинг ижодий коллективи ишга тушди. Театр коллективи қисқа вақт ичида областимиз районларидаги колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, Фарҳод ГЭС ва канал қурилишларида ишловчиларга манзур бўлгулик спектакльлар ва концертлар кўрсатди.

Театр спектакль қўйиб бериш, концерт кўрсатишгина эмас, балки кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида агитация-пропаганда, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашда ҳам катта ёрдам берди. Унинг ташаббуси блан бирнеча колхоз ва совхоз далаларида деворий газеталар, «Жанговар варақа»лар чиқарилди. Артистлар меҳнаткашларга турли темаларда лекциялар ҳам ўқидилар.

Театрнинг ижодий коллективи тажрибали ва талантли ёш артистлар ҳамда музикачилар блан мустаҳкамланди. Театр ижодий коллективининг ўз устида яхши ишлаши натижасида меҳнаткашларга «Ажойиб чўпон», «Оила номуси», «Туҳматчилар жазоси», «Нурхон» «Ғунчалар», «Аршин мод олон», «Бой ила хизматчи» каби спектакльлар кўрсатилди. Театрнинг артистлари бу спектакльлардаги рольларни маҳорат блан ижро этдилар. Коллектив қисқа вақт ичида катта муваффақиятларга эришиб, тамошабинлар ўртасида обрў, қозонди. Мана шунинг учун ҳам Мирзачўл колхоз-совхоз театри Иттифоқ ва республика сан'ат ишлари бошқармаларидан, областимизнинг бир қатор район партия комитетларидан, район ижроия комитетларидан, колхоз, совхоз, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларидан бирнеча марта ташаккурнома олди.

Аммо, театр коллективи эришган бу муваффақиятлар мустаҳкамланмади. Ўзбекистон ССР сан'ат ишлари бошқармасидан юборилган ёш режиссёр Ҳ. Исломовнинг тажрибасизлиги, фаолиятсизлиги ва унинг театр коллективига ижодий ёрдам кўрсатмаслиги, театр дирекциясининг эса бу ҳолларга бефарқ қараб, келишучилик қилиб, етарли раҳбарлик қилмаслиги натижасида театр ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилди.

Шунингдек область маданият бошқармаси, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг сан'ат ишлар бошқармаси конкрет ёрдам кўрсатмаётганлиги натижасида театр 1953 йил репертуар планини бажармади. Бу эса театрнинг фаолиятига катта та'сир қилди. Театрнинг бош режиссёри ўртоқ Ҳ. Исломов театрга келганига 2 йил бўлган бўлса ҳам, бironта спектаклни постановка қилмади. Театрдаги ёш, қобилиятли артистларнинг актёрлик маҳоратини оширишга ва такомиллаштиришга бутунлай э'тибор бермади. Театрда замонавий темаларда ёзилган пьесалар кўрсатилмади. Ана шунинг натижасида театр концерт бригадасига айланиб қолди. Театрнинг бадиий раҳбари бўлган Исломов ҳатто концерт номерларига ҳам бironта янгилик киритмади. Шунинг учун ҳам театрдаги бирқанча талантли артистлар бошқа театрларга ўтиб кетишга мажбур бўлдилар.

Театр коллективи учун ташкил қилинган сиёсий мактаб ва тўгараклар ҳам бутунлай тўхтаб, артистлар ўртасида ҳеч қандай тарбиявий иш олиб борилмай қўйилди.

Театр биноси кўп йиллардан буён ремонтсиз қолмоқда. Мана шунинг учун ҳам театр коллективи ҳозир машғулотларини район маданият уйида ўтказмоқда. Лойиҳа ва сметада театр биносини қайтадан қуриш кўрсатилган. Район партия, совет ташкилотлари ва область ташкилотлари амалий ёрдам бермаганлиги ва контрольлик қилмаганлиги натижасида қурилиш материаллари тайёрланмай, қурилиш ишлари йилдан-йилга чўзилиб келмоқда. Ҳозирги пайтда театр биноси бутунлай яроқсиз аҳволга тушиб қолган.

Мирзачўл район ташкилотлари театрнинг ижодий коллективига уларнинг ўсиши учун етарли шароит яратиб бермаганлар. Артистлар учун ажратилган ётоқхона биноси ҳам йиқилиш олдида турипти. Кўпчилик артистлар квартира блан та'минланмаганлигидан кўп ҳақ тўлаб хусусий кишиларнинг уйларида яшамоқдалар.

Тошкент область ижроия комитети ўтган йил 5 августдаги қарорида театр ижодий коллективини уй-жой бинолари блан та'минлашни Мирзачўл район коммунал хўжалик бўлимига топширган бўлса ҳам, бу топшириқ ҳанузгача бажарилган эмас.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Мирзачўл район партия комитети ёки район ижроия комитети ўз бюро мажлиси ва йиғилишларида театр иши тўғрисида бирон марта ҳам ҳисобот эшитмаган ва унга амалий ёрдам кўрсатмаган.

Театр коллективи орасига совет сан'атига доғ тушируччи айрим шахслар, юлғичлар кириб олган. Улар театрнинг молиявий томонига путур етказиб, театрни бутунлай тарқатиб юбориш даражасигача олиб келганлар.

Театрнинг собиқ администратори Тўрахон Тожибоев қисқа вақт ичида театрнинг 50 минг сўм маблағини ўзлаштириб юборган. Мана шунинг натижасида хўжалик ҳисобида бўлган бу театрнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб кетган. Кўпгина талантли артистларнинг театрдан кетиб қолишига ҳам мана шу нарса сабаб бўлган.

Театрнинг ҳозирги ижодий коллективи область меҳнаткашларининг театр ва сан'атга бўлган талабларини қондириш даражасида эмас. Коллектив спектакльлар қўйишдан концерт бригадасига айланган бўлса ҳам, меҳнаткашларга кўрсатилаётган концерт номерлари халқимизнинг ўсиб бораётган талабига мутлақо жавоб бермайди. Ижро этилаётган ашула, лапар, дикломацияларнинг кўпчилиги ҳам ғоявий, ҳам мазмун жиҳатдан паст савиядадир. Масалан, «Оппоқ оппоқ пахталар», «Дилбаримжон», «Войвой» каби бирқанча ашула ва лапарлар ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Бу тутуриқсиз репертуарларни область маданият бошқармаси репертуарлар қаторига киритиб, тасдиқлаб юборaберган.

Тошкентдаги Муқимий номли музикали драма театрининг коллективи Мирзачўл колхоз-совхоз театрини оталикка олган эди. Броқ Муқимий номли театрнинг ижодий коллективи ўз оталигидаги бу театрга шу кунгача ҳеч қандай ижодий ёрдам бермай келаётир.

Мирзачўл колхоз-совхоз театри амалий ва ижодий ёрдамга муҳтож. Мирзачўл район партия ва совет ташкилотлари, область маданият бошқармаси, республика Маданият Министрлигининг Сан'ат ишлар бошқармаси бу театрга конкрет ёрдам беришлари керак.

А. РАҲМАТ.

Редакция почтасидан

Газета витриналари кўпайтирилсин

Газетхонлардан бири Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг биноси ёнидаги газета витринаси олдига келиб тўхтади-да, дарҳол газета саҳифаларидаги хабар, мақолаларнинг сарлавҳасига кўз югуртабошлади.

— Ие, бу қанақаси, — деди у бирдан таажжубланиб. Газета сарлавҳаси ёнидаги числони кўрганидан кейингина бу газетани икки кун бурун ўқигани эсига тушди. Сўнгра у бу иш блан бевосита шуғулланучи ба'зи ношуд раҳбарлардан ранжигани ҳолда, яқин орадаги киоскалардан бирига қараб йўл олди.

Бундай ҳолларнинг тез-тез учраб туришига ажабланилмаса ҳам бўлади. Чунки, шаҳардаги кўпгина витриналарга газеталарнинг янги сонлари ўз вақтида осиб турилмайди. Қайсибир витрина олдига борманг, газеталарнинг 2—3 кун бурунги сонлари осиғлик турганини кўриб та'бингиз хира бўлади.

Республикамиз пойтахтида 1953 йилда «Ўзбекистон физкультурачиси», яқинда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари ҳам чиқабошлади. Аммо шунга қарамасдан шаҳарда газета витриналарининг сони илгаригисига нисбатан камайиб кеттанлиги кишини таажжублантиради. Шаҳарнинг бирор жойида янги нашр этилабошланган бу газеталар осилган витриналарни учратмайсиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳарнинг Пушкин, Карл Маркс, Ленин, Сталин, Навоий, Ҳамза ва бошқа кўпгина марказий кўчаларида, Комсомол майдонида, 1 ва 4 траллейбус айланмасида, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва бошқа кўпгина муассасалар олдида нима учундир газета витриналари кўринмайди. Мавжуд витриналарнинг ойнаси синган ва чанг босиб ифлосланиб кетган.

Район ижроия комитетлари ва унинг коммунал хўжалик бўлимлари шаҳарда чиройлик ишланган газета витриналари сонини кўпайтириш ва мавжуд витриналарни дарҳол ремонт қилиш ишига жиддий э'тибор беришлари керак.

С. ХУСАНОВ.
Ф. ИБРОҲИМОВА.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАНИБ, ЧИГИТНИ ТЕЗРОҚ ЭКИБ ОЛАЙЛИК!

Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз а'золари чигит экишни областьда биринчи бўлиб тамомлаб, ғўза парваришини бошлаб юбордилар

Суратда: 1. Колхоз раиси **А. Убайдуллахўжаев** (чапда), бригада бошлиғи **Т. Назаров** (ўнгда) ва звено бошлиғи **Н. Қўшоқов** ўртоқлар униб чиққан чигитни текшириб кўрмоқдалар. 2. Ғўза кўчатлари етиштирадиган парник хўжалигида ғўзаларга сув берилаётир.

В. Салов фотоси.

* *

Ғўза парваришини намунали ўтказамиз

Бу йилги кўклам даврида намгарчиликнинг кўп бўлиши туфайли бирмунча қийинчиликлар пайдо бўлди. Колхозимиз а'золари бу қийинчиликларни енгишда— катта майдонга чигит экишни қисқа муддатда, сифатли қилиб тугаллашда фидокорона меҳнат қилдилар. Колхозчилар бригадага бириктилган механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, дастлабки муваффақиятларга эришдилар.

Ўтган қишлоқ хўжалик йили колхозимиз 605 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 37 центнердан пахта топширишга эришган эди. Бу йил Молотов номли қишлоқ хўжалик артели бизнинг колхозга қўшилди. Пахта майдони эса 1 минг 150 гектарга кўпайди. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш тўғрисидаги социалистик мусобақага қўшилдилар.

Бригадалар чигитни асосан кузда ва қиш фаслида шудгор қилинган ерга экдилар. Биз ҳамма далани чигит экишга тайёрлаш учун олдиндан яхши тайёргарлик кўрдик. Механизаторлар ёрдами блан карталарни йириклаштириш, суғориш тормоқларини, ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш юзасидан қилинадиган ҳамма ишлар ўз вақтида тўла бажарилди.

Бизнинг колхозда МТСнинг иккита трактор бригадаси хизмат қилмоқда. Цой Харитон ва Бухоров ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механизаторлари далачилик бригадалари блан ҳамкорликда ишлаб, берилган топшириқларни муваффақиятли бажардилар. Универсалчилардан Қосим Исроилов, Каримов, Лукачев ва Қ. Шояхмедов ўртоқлар чигит экиш графигини доим ошириб бажардилар. Экиш даврида бу илғор универсалчиларнинг ҳарбири 140—180 гектарга етказиб чигит экиб бердилар.

Янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида э'тибор берилди. Бу йил 160 гектар ерга биринчи марта чигит экилди. Бу бригадага ўртоқ Обид Йўлдошев бошчилик қилади. Бригада а'золари моддий-техника ресурсларидан унумли фойдаланиб, механизация кучини тўла ишга солиб янги ерларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Бу йил колхозимизда 160 гектар ерга чигит торайтирилган қаторларга экилди. Қулман Бўрибоев ва Мўмин Эшвоқов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шу усул блан чигит экилган майдон яхши ишланди. чигит сифатли экилди.

Ҳозирги кунларда бригадаларда ер четларига, ўқариқларга чигит экилмоқда. Чигитни илгари экиб олган бригадаларда эса ҳарбир пайкални текшириб, чигит униб чиққан ерларда ғўза парвариши бошлаб юборилди. Қулман Бўрибоев, Мўмин Эшвоқов, Закия Саидова, Тоғаймурод Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза парваришига киришиш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Универсалчилардан Қосим Исроилов, Қосим Шояҳмедов ўртоқлар культивация қилишда ўз зиммаларига янги мажбурият олганлар. Илғор тракторчилар дастлабки кунлардан бошлаб ғўза культивациясини сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар. Биз далачилик ишларида чигит экиш блан ғўза парвариши ўртасида узилиш бўлмаслигига эришдик.

Бу йилги кўклам шароитида қатқалоққа қарши кураш жуда муҳим тадбирдир. Ҳозир бизнинг экин майдонимизда қатқалоқ босиб қолган ер карталари йўқ. Шундай бўлса ҳам, қатқалоққа қарши кураш учун зарур бўлган тайёргарлик ишларини кўриб қўйдик. 500 дона қўл граблиси, тракторларга ўрнатиладиган бороналар ҳам ҳозирлаб қўйилган.

Ҳар гектар ерда ғўза тупларининг тўла бўлиши ва нормал жойлаштирилиши муҳим аҳамиятта эгадир. Ўтган йили биринчи марта ғўзаси сийрак ва ола чиққан майдонга ғўзани кўчат қилиб ўтқазишни тажриба қилиб кўрдик. Ўртоқ Рўзиқул Ёрбеков, Абдураҳмон Каримов ва Қулман Бўрибоев бригадаларида ғўзани ягана қилиб бўлгандан кейин биринчи сув олдидан парникда тайёрлаб қўйилган ғўза кўчатлари ўтқазилди. Ҳарбир эгатда нормал қалинликда ғўза тупларининг бўлишига эришилди. Натижада пахта ҳосили гектарига 3—4 центнердан ортиқ бўлди. Бу йил ҳам шу тажрибани янада кенгроқ қўлланамиз. Ҳарбир гектар ерда 85—90 минг тупдан ғўза кўчатининг бўлишини та'минлаш жуда муҳим ишимиздир. Ҳамма бригада ва звеноларда мана шу тадбирни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Илғор пахтакорларимиз 1955 йилда ҳам Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқи учун ғайрат блан курашмоқдалар. Юқори ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи даврида қўлга киритган дастлабки муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун ғўза парваришини ўз вақтида, сифатли ўтказамиз.

А. УБАЙДУЛЛАХЎЖАЕВ.

Колхоз раиси.

Парникда ғўза кўчати ўстириш

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш ғўза кўчатларининг далада тўғри жойлаштирилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб бизнинг Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари ҳарбир гектар ерда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши учун алоҳида э'тибор берадилар. Ўтган йиллардаги тажрибалар чигити чиқмай қолган ёки ғўза кўчатлари сийрак бўлиб қолган майдонга биринчи суғориш блан бир вақтда чигит экиш яхши натижа бермаслигини кўрсатди. Кейин экилган чигит кеч авж олади, ҳосилга кеч киради. Натижада бир эгатда бирнеча хил ғўза кўчатлари ўстирилади.

Мана шунинг олдини олиш учун колхозимизда ғўзани кўчат қилиб ўстириш тажрибасини ўргандилар. Профессор К. А. Висоцкий раҳбарлигида парникда ғўзани кўчат қилиб ўстиришни 1953 йилда тажриба қилиб кўрдик. Ғўза кўчатлари сийрак бўлган, ўсимлик қатор чиққан эгатларга парникда етиштирилган ғўза кўчатларини ўсимлик 5—6 тадан чин барг чиқарган даврда ғўзани суғориш олдидан кўчат қилиб ўтқазилди. Шунинг натижасида тайёр кўчатлар даладаги ғўза блан бир хилда парвариш қилиниб яхши натижа берди.

Бу йил колхознинг парник хўжалигида тувакчаларда ғўза кўчати ўстиришга киришдик. Бундан бошқа очиқ майдонда ҳам чигит экиш блан бир вақтда ғўза кўчати тайёрладик. Бу йил парник хўжалигида 3 миллион тупдан ортиқ ғўза кўчати етиштирилади. Ғўзани кўчат қилиб ўстиришнинг яна бир фойдали томони шуки, ғўза кўчати яхши шароитда ўсканидан бақувват, бўлиқ етилади. Кўчат ерга яхши ўрнатилиб ўз вақтида суғорилса тезда ҳосилга киради. Бу йил ярим гектардан ошиқроқ ерга ғўза кўчатларини экиш блан парвариш қилиш тажрибаси ўтказилмоқда. Бу ҳам яхши самарали натижалар бермоқда. Илгариги йиллари 0,65 гектар ерга ғўзани кўчат қилиб ўстириш натижасида гектар ҳисобига 64 центнердан пахта ҳосили етиштирилди.

Қишлоқ хўжалик фани мутахассислари ва агрономлар бошчилигида пахтачиликда бундай янгиликларни яратиш мўл ҳосил учун курашда самарали натижалар бераётир.

Турғунбой ИРИСБОЕВ.

Колхоз парник хўжалигининг мудири.

Пахтакор ёшлар мусобақа илғори

Колхозимиздаги комсомол ва ёшлар орасида пахтачилик бригадаларида ишлаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Ўтган йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб, мусобақада илғор бўлган комсомол-ёшлар бу йил ҳам катта мажбуриятлар олиб, социалистик мусобақага қўшилдилар. Булар орасида Наврўзов, Шовқи Латипов, Мағзума Ҳофизова, Майсара Мусаева ўртоқлар бошлиқ звенолар ҳар гектар ердан 48 — 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Комсомол ташкилоти пахтакор ёшларнинг бу ташаббусларига етакчилик қилмоқда. Кўклам-дала ишларини намунали уюштириб, чигит экишни уюшқоқлик блан туталлашда комсомол ва ёшлар ўз меҳнатлари блан муносиб ҳисса қўшдилар. Ёшлар бошқараётган 18 звено илғорлар қаторида чигит экишни тугаллади. Энди булар чигитни тўла ундириб олиш ва ғўза парваришига барвақт киришиш учун курашмоқдалар.

Колхоз комсомол ташкилоти кўкламги дала ишлари даврида оммавий-сиёсий ишларни уюштириш юзасидан партия ташкилотининг ёрдами блан бирмунча ишларни амалга оширмоқда. Комсомол а'золаридан агитаторлик ишига бириктилган ўртоқлар колхозчилар орасида партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган янги тадбирлари тўғрисида кенг пропаганда ишларини олиб бормоқдалар. Радиоузел орқали олдиндан тузилган тематик планга мувофиқ пахтачиликка оид суҳбатлар ўтказилди. Бу ишга МТСнинг шу колхозда хизмат қилаётган агрономи Полина Шайкина ва тажрибакор пахтакор Турғунбойота Ирисбоев ўртоқлар тортилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бу йил Ватанимиз пойтахти Москвада Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини очиш ҳақидаги қарорини кенг колхозчиларга тушунтириш ишлари қизғин бораётир. Шунингдек, агитаторлар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош комитетининг виставкага қатнашиш шартлари ҳақидаги кўрсаткичларини колхозчиларга етказаётирлар.

Ишлабчиқариш бригадаларида меҳнатни тўғри ташкил қилиш иш унумини оширишда жуда муҳимдир. Комсомол а'золари ташаббуси блан бригадаларда меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва ҳарбир колхозчининг нормативни, бажарган иш ҳажмини аниқ билиши учун зарур чоралар кўрдик. Комсомоллар колхозчиларнинг дам олиш пайтларида кўклам мавсумида бажарилаётган ишларнинг нормативи, меҳнат кунларининг қандай ёзилиши тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Бу тадбирлар меҳнат кунларини аниқ ҳисобга олишда ва колхозчиларни ишга рағбатлантириш соҳасида бирмунча ижобий натижалар берди. Ҳарбир колхозчи ўзи бажарган иш нормасини ҳар куни билиб борадиган бўлди. Натижада меҳнат интизоми мустаҳкамланди ва иш унуми ортди.

Шу кунларда колхозимиз пахта далаларида экилган чигитни ердан текис ундириб олиш чоралари кўрилмоқда. Агитаторларнинг суҳбатларида ғўзанинг дастлабки парвариши ва уни уюштиришга айниқса катта э'тибор берилмоқда. Комсомол-ёшлардан Ш. Латипов, Назаров, Ҳофизова, Йўлдошев, Мирзаев, Исроилов ўртоқлар ўзларининг жонли суҳбатлари блан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Колхоз комсомол ташкилоти партия ташкилотининг раҳбарлиги ва яқиндан ёрдами блан ёш пахтакорлар мусобақасини кучайтириб, олинган социалистик мажбуриятни тўла бажариш учун колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни уюшқоқлик блан олиб бормоқда.

Колхозимиз ёш пахтакорлари экиш даврида эришган дастлабки муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, ғўза парваришини оммавий равишда кучайтириш учун курашадилар.

Ўролбой ОРТИҚБОЕВ.

Колхоз комсомол ташкилотининг секретари.

Механизаторлар ҳиссаси

Бутуниттифоқ механизаторлар кенгаши қатнашчилари бошлаган социалистик мусобақага қўшилиб, ўз зиммасига янги мажбуриятлар олган бизнинг трактор бригадамиз механизаторлари пахтакорлар блан ҳамкорликда кўкламги дала ишларини бажаришда бирмунча муваффақиятларга эришдилар.

Бригадамиз ихтиёридаги кучли техникадан унумли фойдаланиб, чигит экиладиган майдонни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаб бердик. Ҳайдов тракторини бошқараётган тракторчилардан Мирзаев, Ҳофизов ўртоқлар «ДТ—54» маркали трактор блан белгиланган смена топшириқларини доим ошириб бажардилар. Кузда ва қиш фаслида шудгор қилиб қўйилган ерлар сифатли қилиб борона қилинди. Бригадамизга бириктилган 3 та ҳайдов ва 5 та чопиқ трактори кўкламги мавсумда белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажарди.

Бизнинг трактор бригадамиз эришган муваффақиятларнинг сири қаерда? Аввало, биз далачилик бригадалари блан биргаликда агроном ўртоқ Шайкина блан маслаҳатлашиб, участка ҳосилот советларининг топшириғи блан тракторларнинг ҳаракат графигини тузиб чиқдик. Бу графикнинг доим аниқ бажарилишига эришдик. Шунинг натижасида ҳайдов ва «универсал» тракторларининг бекорга бригадалар ва участкалар ўртасида қатновини йўқотдик.

Трактор бригадасида социалистик мусобақанинг дастлабки шартлари бажарилди. Эндиги вазифамиз ғўза парваришини барвақт ва сифатли ўтказишдан иборатдир. Бу ишга дастлабки тайёргарлик кўрилди. Универсалларга культиваторлар ўрнатилди. Бу йил оралари торқаторли қилиб экилган майдонда ҳам ғўзани трактор кучи блан парвариш қиламиз. Бригадамиз ўзига бириктилган ер карталарида ғўзани дастлабки озиқлантиришни ўз вақтида, сифатли ўтказиш учун курашмоқда. «СУЗ» машиналари ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди. Ғўза культивацияси блан бирга ғўзага минерал ўғит сепиш ишларини ҳам бажаришга киришамиз.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан жуда катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. МТСимиз парки йил сайин янги машиналар блан боймоқда. Қишлоқда ишлаётган механизаторларга жуда катта ғамхўрлик қилинаётир. Энди бизнинг бригадамиз тракторчилари ҳам МТСнинг доимий ходимларидир. Иш ҳақи тўлаш, қилинган ишни ҳисобга олишда қат'ий тартиб жорий қилинди. Биз бу ғамхўрликларга жавобан янада ғайрат блан ишлаймиз. Механизаторларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз зиммамизга олган мажбуриятларни тўла бажарамиз. Механизаторларнинг қилган меҳнати етиштирилган ҳосил блан ўлчанади. Охунбобоев номли колхоз пахтакорларининг ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш соҳасидаги ватанпарварлик ишига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Цой ХАРИТОН.

Сирдар'ё МТСининг 3-нчи трактор бригада механиги.

Мўл ҳосил етиштирамиз

Бизнинг бригадамиз ерлари яхши ишланган, бирнеча йилдан буён чигит экилиб келаётган майдондир. Биз сифатли шудгор қилинган ер карталарини яхшилаб бороналадик, мола босдик, сўнг универсал трактори блан 2 кунда чигит экиб олдик. Бундан кейин ернинг четларига, ўқариқларга қўл блан чигит экдик. Шунга эришдикки, бирор метр ҳам чигит экилмаган бўш жой қолмади.

Звеномиз ҳар гектар ерда 95 — 100 минг туп кўчат учун курашмоқда. Чигит униб чиқабошлаган ерларда ғўза парваришини бошлаб юбориш учун тайёрланмоқдамиз. Энди яганалаш ва биринчи сув блан бир вақтда кўчатлар сийрак ўсган эгатларга парникда ўстирилган ғўза кўчатларидан ўтқазамиз.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқи учун мусобақалашаётган звеномиз пахтакорлари ғўза парвариши даврида ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун ғайрат блан ишлайдилар.

Наврўз ҚЎШОҚОВ.

Звено бошлиғи.

Мўл ҳосил усталари

ОЧЕРК

Кечагина борона қилинаётган далаларда бугун чизиқлар пайдо бўлибди: Чигит тушган қаторлар ер бетидан бўртиб, кўтарилиб турибди. Деҳқонлар: «Тупроққа қоришган уруғ кун санайди» дейишади. «Эрта эксанг, эрта йиғасан», деган гап юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Экиш олдидан тузилган план колхозчиларнинг умумий йиғилишида пухта муҳокама қилингани учун, уни бажаришга ҳамма баравар киришди. Бу йилги баҳорнинг инжиқ келиши туфайли кунлар эмас соатлар, ҳатто минутлар ҳисобга олинди. Экиш кампаниясига шайланган колхозчилар, механизаторлар: «Чигитни нечоғлик тез, сифатли экиб олсак, ҳосилимиз шунчалик эрта етилади ва мўл бўлади» деган мақсадни дилларига жо қилиб олдилар. Кучли тракторларнинг ҳайқириғи кеча-кундуз тинмади, туннинг қоронғилигини ёриб шудгор борона қилинди, кузда ҳайдалмай қолган 20 процент ер бирёғдан ўғитланиб кетма-кет ҳайдалди. Эрта тонгда тракторчи қўшни пайкалга ўтаётганда унинг ўрнини универсалчи эгаллади. Ана шундай кезларда колхоз қишлоғида бўлсангиз жуда жадаллик, қалбда жўшқинликни кўриб, ҳис этасиз.

Катта майдонларга чигит экиб бўлинди. Энди уруғни ердан ундириб олиш учун курашилади. Колхознинг қайси бригадасига борсангиз ўқариқ олаётган, чигит чангаллаб бўш қолган «бир парча» ерни мўлжаллаб юрган кишиларни кўрасиз. Улар шу далаларнинг эгалари бўлганлигидан бир қарич ерни ҳам зойи' кетмаслиги учун ҳаракат қиладилар. Қаторлар оралаб икки томонини кузатиб юрган ўрта ёшли киши пайкал ўртасига борганда энгашди-да чигит тушган қатордаги катта кесакни суриб қўйди. У этагидан намхуш чигит олиб кесак ўрнига ташлади, унинг устини тупроқ блан бекитди. Қатор бошига чиққунча бирнеча марта энгашди, қатор устига тушиб қолган катта кесакларни оёғи блан туртиб, ён томонга суриб ташлади.

Худди шундай ишни бажараётган колхозчиларни ҳарбир пайкалда ҳам учратасиз. Бир қарич ҳам ер уларнинг э'тиборидан четда қолмайди.

— Ерда мўлжалдаги ғўза туплари бўлса, кузга борганда аттанг демайсиз, — колхоз ҳосилот советининг раиси Абулқосим Абдуқодиров колхозчиларга уқтирарди, — шунинг учун ҳозирги кунда яхши ишлаш керак. Гектар бир ўлчов, ҳосилни ўша ердан ўстирилган кўчат беради. Бригадада фалонча гектар ер бор деган блан, унда ғўза етарли бўлмаса ҳосил кўпаймайди...

Ҳосилот ўз участкасидаги бригадаларнинг ерларини бирма-бир айланиб юраркан, колхозчилар ишида кичкина камчиликни кўриб қолиш блан у кишининг ёнига борар, йўл-йўриқ кўрсатарди.

Абулқосим ака темир йўл яқинидаги ерларда айланиб юрарди. У бригада дала шийпонидан ўнг томонда ишлаётган колхозчиларни кўриб ўша ёққа йўл олди. «Универсал» ўтган қаторларнинг бирида ярим метрча жойга чигит тўкилиб қолган эди. Кекса пахтакор энгашиб қаторни бармоқлари блан сидириб кўрди. У чўнтагидан бир сиқим чигит олиб, уч жойга тўп-тўп қилиб ташлади, унинг устига тупроқ тортди.

«Қизлар тушмагур шошилиб, ташлаб кетишибди, — ўз-ўзига пичирлади у, — худди чопиқдагидек ким ўзар қилишаяпди, шекилли...»

Ҳосилот қизларга яқинлашган сари уларнинг қўшиқ айтаётган қувноқ овозлари баралла эшитиларди. Ўқариқларга, ер бурчакларига чигит экаётган қизлар далани говжум қилиб ишлашарди. Ёшлар отани кўриб, ашулани тўхтатишди-ю, тўрт томонини жаранглатиб кулишди. Шундан кейин атрофга жимлик чўкди. «Ҳорма-бор бўл»дан кейин ҳосилот гап бошлади:

— Пала-партиш иш қилиш ярамайди...

Қизлар бир-бирларига қараб қўйишди. Уларнинг ҳозирги кўринишидан «ким шундай қилибди» деган саволга жавоб излаётганликлари сезилиб турарди. Ҳосилот сўзида давом этди:

— Мен ҳамма бригадаларда бўлдим. Уларда бўш қолган жойларга чигит тикиш жуда яхши. Мана сизлар бўлсаларингиз...

— Қачон бўлса бизни ёмонлайберасиз, — деди қизлардан бири.

— Яхши ишласанг ким ёмон дерди,— э'тироз билдирди иккинчи қиз, — камчиликларимизни кўрсатганлари фойда.

— Ма'зума тўғри айтди, — ҳосилот ер бетидан йиғиштириб олган ҳалиги чигитни кафтида ёйиб қизларга кўрсатди,— шуни кўра-била туриб қайси тил блан сизларни яхши ишлашаяпди дейин... Мана буни қаранглар, офтобда қуриб қолибди. Ҳисобга келганда ҳамма еримизга тўла чигит экиб олганмиз, деб сводка берилган. Шундайми қизлар?

— Ҳаммадан илгари рапорт берганмиз!

— Ҳа, ана балли, бир гектар ерда 95 минг туп кўчат бўлиши керак, ҳозирги ҳисобда бунга етказолмаймиз, чигит тушмаган бир қарич ҳам ер қолмасин, ана ўшанда ҳосил кўнгилдагидек бўлади.

Ҳосилот қизларга айрим қаторларда ер бетига тушиб қолган чигит кўмиб кетилмаганлиги, бунинг натижасида ғўза кўчатлари сийрак бўлиб қолиши мумкинлиги, демак ҳосилга зарар етказилиши тўғрисида гапирди. Қизлар унинг ҳарбир гапини ма'қуллар, яхшироқ ишлашга сўз берардилар.

☆

— Вақти келганда чигит уч кунда нишуради, — раис бу гапларни ўзининг бирнеча йиллик тажрибасига асосланиб айтаётган эди, — ўтган йили бу вақтда ғўзамиз қатор бўлиб қолган эди. Бу йил жуда кечикдик, лекин ҳозирги пайтда бу кечикишнинг ҳиссасини чиқаришимиз зарур!

Колхоз далаларида бўлсангиз кечикишнинг ҳиссасини чиқариш учун курашаётган азамат колхозчиларни кўрасиз. Колхознинг юқори ҳосилли биринчи бригадасида бўлдик. Уч бўлакдан иборат 70 гектарли ер тупроғи баҳор қуёшининг ҳаётбахш нурини тўйиб-тўйиб эмарди. Дастлабки кунларда ерга тушган чигит тупроқни кўтариб ёруғликка муҳтождек майда кесакчалар орасидан мўралаб турибди. Биринчи чигит униб чиққанда бригада а'золарининг қандай қувонишини тасаввур қилаоласизми? Худди мана шу чигитдан кўкарган ғўза кўсаклари энг олдин очилади. Фалон бригадада пахта очилибди деган гапнинг довруғи олдин колхозга, кейин районга тарқалади. Бу тўғридаги хабар газеталарнинг биринчи бетида босилиб чиқади. Ҳозирги кунлардаги ҳаракат, қаторма-қатор юриб синчиклаб текширишларнинг бариси ғўзаларнинг эрта етилиши, пахтанинг барвақт очилиши учун бўлмоқда.

Биринчи бригаданинг бошлиғи Тоғаймурод Назаров ғўзани шу Сирдар'ёга келиб кўрди. У Фориш адирларида олтин бошоқлар ўстирган кезларида пахтакор бўлишни орзу қилиб юрарди. Бундан беш йил илгари Сирдар'ёга кўчиб келди. Юқори ҳосил етиштиришда машҳур бўлган уста пахтакорлар колхозига а'зо бўлиб кирди. У пахтакорлик касбига қизиққанлиги учун, бу касбни тезда, пухта эгаллади. Икки йил бўлади, Тоғаймурод Назаров бригадага моҳирлик блан раҳбарлик қилмоқда. Унинг бригадаси бултур 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,5 центнердан ҳосил топширди. Бригада а'золари бу йил гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб, шунга яраша фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхозда мўл ҳосил етиштириш йўлини яхши биладиган, ана шу тажрибани йил сайин мустаҳкамлаб пахта ҳосилини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган азамат пахтакорлар кўп. Закия Саидова, Турғунбой Ирисбоев, Қўшоқ Новрузовлар пешқадам, новатор пахтакорлардир. Закия Саидова бригадаси ҳар йили, ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил олмоқда. Бу йил — ёғингарчилик одатдан ташқари кўп бўлган кўкламда ҳам бу бригада экишни тез, сифатли ўтказди. Ҳозирги кунларда бригаданинг кўп ерида чигит бир текисда униб чиқмоқда.

— Ердаги чигитнинг аҳволи жуда яхши, — дейди Закия Саидова, — биз ҳар куни қаторларни бирма-бир текшириб турибмиз. Чигитни бехато ундириб оламиз, ҳар гектар еримизда 90 минг тупдан ғўза тупи бўлишига эришамиз.

Биз колхознинг кекса а'зоси, уста пахтакор Турғунбойота Ирисбоев блан суҳбатлашиб қолдик. У бизни идорадан ўз участкасига бошлаб борди. Шу вақтга қадар парникда сабзавот экинларининг кўчати ўстириларди. Новатор пахтакор Турғунбойота бу ишни пахтачиликда ҳам қўлланибди. Парник чуқурларида қаричга келиб қолган ғўза кўчатларини кўриб кўз қувонади. Унинг ҳарбир тупи ота ҳисобида... Унча-мунча совуқ қор қилмайдиган бўлиб қолибди.

Турғунбойота кўчатларга меҳр блан назар ташлаганда, унинг кўзларида меҳрибонлик мавжланарди.

Ҳар кишининг орзуси, мақсади бор. Турғунбойота бундай дейди:

— Пайкалларда ғўзамиз ола бўлмасин дейман. Шунинг учун мана шу парникларда 3 миллион ғўза кўчатлари ўстирдим. Колхоз бу кўчатларни биринчи сувдан олдин чигити хато чиққан қаторларга ўтқазади. Илдизи бақувват, соғлом кўчатлар даладаги ғўза туплари блан баравар ўсиб, бир вақтда ҳосилга киради.

Мен бу йил Москвада Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очилиши тўғрисидаги хабарни эшитиб жуда қувондим. Мана шу виставкага мен ҳам совға тайёрламоқдаман. Ҳозир иккита парник чуқурида квадрат шаклида уялаб экилган ғўза туплари ўстирилмоқда. Улар 1 августгача етилиб, пахтаси очилади. Мен ана шу пахтани виставкага совға қилиб юбораман. Украинадан, Грузиядан, Белорусиядан келган виставка қатнашчилари ўзбекистонли кекса пахтакорнинг ана шу пахтасини кўриб қувонсалар мени ҳам қувонганим... Мен бу орзумга эришаман. Парникдаги ғўзаларни олим Висоцкий блан биргаликда, унинг ҳамма маслаҳатларини амалга оширган ҳолда парвариш қиламан.

Турғунбойота Ирисбоев Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор К. Висоцкий блан биргаликда ишлаб, бу йил 3 миллион кўчат ўстирди. Унинг бу новаторлик ташаббуси бултурнинг ўзида катта фойда келтирди. колхознинг учта бригадаси ғўзаси хато чиққан қаторларга парникда ўстирилган ғўза кўчатларини ўтказиб, ҳамма майдонларда ҳосилнинг бир хилда мўл бўлишига, эрта етилишига эришди.

Пахтакорларнинг ҳарбир ишида механизаторлар катта ёрдам бермоқдалар. Кузда ерлар сифатли шудгор қилинаётгани учун кўклам дала ишлари анча енгиллашмоқда ва тез бажарилаётир. Бултур кузда колхознинг 80 процент ери шудгор қилинган эди. Бу ерлар эрта муддатларда бараналанди ва чигит экиш қисқа вақт ичида ўтказилди.

Шу кунларда универсалчилар сеялкаларнинг ўрнига культиватор тиркамоқдалар. Улар чигитни сифатли экиб берганликлари учун унинг униши тезлашмоқда. Культиватор тиркалган универсални биринчи бўлиб далага Қосим Исроилов олиб чиқди. У Закия Саидова бошлиқ бригада ерига борганда ҳамма колхозчилар уни зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Чунки, бундан 15 кун илгари универсалчи шу далаларга ўзи чигит эккан эди. Мана, у, энди мурғак ғўзаларни парвариш қилиш учун ҳам етиб келди.

Қосим Исроилов универсални қаторга бурди. Культиватор тишлари майин тупроқни аста ағдариб ёш ғўзалар бағрига ташларди. Бригада бошлиғи Закия опа «Универсал» кетидан қатор бошига қадар кузатиб борди. Қосим Исроилов яна орқага, иккинчи қаторга бурилганда бригадирнинг юзида севинч аломатлари барқ уриб кетди.

— Раҳмат Қосимжон, — деди у, — мана энди иш бошланди. Ғўзамиз ёш вақтидан яхши парвариш қилинса ҳосилимиз мўл бўлади, биз механизаторларга ишонамиз!

— Механизаторлар пахтакорларнинг ишончини ҳаммавақт оқлайдилар, — деди Қосим Исроилов ва агрегатни олға томон тез юргизиб кетди.

Чигит экиб бўлингандан кейин 3 — 4 кунгача колхоз далаларида трактор овози эшитилмай қолган эди. Мана энди уларнинг овози яна зўрроқ эшитилабошлади. Мўл ҳосил учун астойдил бел боғлаган пахтакорлар, механизаторлар ғўза парваришини бошлаб юбориб, янада унумлироқ ишлаш учун курашмоқдалар. Колхоздаги ҳарбир кишининг — бурчакларга чигит тикаётган колхозчиларнинг, қаторларни текшириб юрган кексаларнинг, кечагина униб чиққан ғўза тупларини тагини юмшатаётган механизаторларнинг мақсади битта — севикли она-Ватанимизга кўп ва юқори сифатли пахта беришдир.

Йирик хўжаликнинг а'золари бу вазифани муваффақиятли бажараоладиган қудратли кучга эгадирлар. Колхозда иккита трактор бригадаси хизмат қилади. Бундан ташқари партия ва ҳукуматимиз пахтакорлар учун нимаики бўлса етказиб бермоқдалар: минераль ўғит кўп, Мирзачўл ерларига ҳаёт бағишлаган каналларда сув тўлиб оқмоқда, колхоз қишлоғи кишиларининг ғайрат ва ташаббуси ҳаммавақтдагидан ҳам ошиб кетган.

Чигитни эрта экиб бўлган ва уни бир текисда ундириб олиш учун курашаётган уста пахтакорлар, азамат механизаторлар 1 минг 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштираоладилар!

С. МАҲКАМОВ.
Т. ОРИПОВ.

Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз.

Ўтган дам олиш куни Тошкент «Динамо» стадионида Совет Иттифоқи биринчилиги учун «Б» классда «Спартак» (Тошкент) ва «Авангард» (Свердловск) футбол командаларининг учрашуви бўлди. Учрашув 1:0 ҳисоби блан «Авангард» командаси фойдасига ҳал бўлди. **Суратда:** Ўйин пайти.

В. Сироткин фотоси.

Паркент районида

ТРАКТОРЧИЛАР УЧУН КЎЧМА УЙ

Райондаги «Коммуна», Сталин номли колхоз далаларида хизмат қилаётган тракторчилар учун автокачкалар устига ўрнатилган тахтадан қилинган деразали кўчма уйлар ташкил қилинди. Кўчма уйлар радиоприёмник, газета, журнал ва турли китоблар блан та'минланган.

РАЙОН БОҒИ ҚАЙТА ҚУРИЛМОҚДА

Паркент район ижроия комитети район марказидаги Максим Горький номли маданият ва истироҳат боғини қайта қуриш ҳақида қарор чиқарди. Бу қарорга мувофиқ боғда ёзги кино, кутубхона, ошхона, буфет, қизил чойхона ва физкультура-спорт майдони ташкил этилади. Ҳозир боғда қурилиш ишлари қизитиб юборилди.

ТАЖРИБА УЧАСТКАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Шредер номидаги давлат мевачилик институтининг Паркент районидаги тажриба участкаси Заркент қишлоқ советидаги лалмикор ва шартли суғориладиган ерларда янги боғлар барпо қилишнинг янги усулларини қидириб топмоқда. Участка дарахт кўчатларидан ўтган йили 30 минг сўмга яқин фойда олган эди. Тажриба участкаси ходимлари участка ишини бу йил яна кенгайтириш, хилма-хил мева кўчатларини етиштириш юзасидан амалий ишлар қилмоқдалар.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ УЧУН

Сўнгги вақтларда Паркент район матлубот жамияти аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширди. Паркент нонвойхонасида обинон пишириш учун янги тандирлар қурилди. Шу кунларда нонвойхонада ҳар хил сортдаги унлардан булкалар, обинонлар пиширилиб, магазин, ошхона ва чойхоналарга чиқарилиб сотилмоқда.

Бундан ташқари, Паркент колхоз бозорида саноат моллари блан савдо қилувчи 8 та янги магазин очилди.

Яқинда район марказида хўжалик буюмлари блан савдо қиладиган яна битта магазин очилади.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Тошкент „Спартак" командаси ютқазди

Ўтган йили ҳам СССР биринчилиги учун «Б» класс бўйича мусобақалашган Тошкент «Спартак» командасининг футболчилари тошкентли футбол ҳаваскорларини унча хурсанд қилаолмаган эдилар.

Бу йилги ёзги спорт мавсумида «Спартак» командаси қандай составда ўйнар экан, Тошкент спорт шарафи учун қандай курашар экан, деган саволлар ҳарбир футбол ҳаваскорини анчадан берли қизиқтириб келаётган эди.

... 18 апрель, якшанба куни Тошкент «Динамо» стадионига жуда кўп тамошобин тўпланди. Улар футбол ўйини бошланишини сабрсизлик блан кутар эдилар. Ниҳоят, Тошкент «Спартак» ва Свердловск «Авангард» футбол командалари майдонга чиқадилар. Тошкент командаси составида янги ёш футболчиларнинг бўлиши тамошобинларни анча қувонтирди.

Ўйин анча суст бошланди. Биринчи давранинг 25 нчи минутида меҳмонлар спартакчилар дарвозасига 20 метрча наридан аниқ тўп уриб киритадилар. Тамошобинлар, энди ўйин қизғин тус олар, деб ўйлаган эдилар. Аммо бундай бўлмади. Ўйиннинг биринчи ярми 1:0 ҳисоби блан свердловсклилар фойдасига тугади.

Ўйиннинг иккинчи ярмида тошкентлилар «Авангард» ўйин майдонига бирнеча марта ёриб ўтдилар. Аммо тўпни дарвозага жуда узоқдан урганликлари, ба'зан эса аниқ ураолмаганликлари учун меҳмонлар дарвозасига биронта ҳам тўп уриб киритаолмадилар. Свердловсклиларнинг уринишлари ҳам натижа бермади.

Шундай қилиб, бу унча қизиқарли ўтмаган учрашув 1:0 ҳисоби блан Свердловск «Авангард» командаси фойдасига тугади.

Тошкент «Спартак» командасининг футболчилари бу дастлабки ўйинданоқ тегишли хулосалар чиқариб олишлари керак. Футболчилар тўпни бир-бирларига ҳарвақт ҳам аниқ ошираолмайдилар. Ўйинчилар бир-бирларига ишониб, тўпни рақиб тамон футболчиларига бериб қўйган ҳоллари ҳам учради. Яхши бошланган комбинациялар рақиб дарвозасига яқинлашилганда бўшаштириб юборилади.

Команда тренери ўртоқ Федорченко ўз шогирдларини дадил, иродали, ғалабага ишонч руҳида тарбиялаш устида янада қунт блан ишлаши керак.

И. ФОЗИЛОВ.

Цирк майдонида — ёшлар

Шу кунларда Тошкент циркида ёш цирк усталари ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Булар орасида «Мардлар майдони» кинофильмида қатнашган артистлар ҳам бор.

Программа парад-пролог блан бошланади. Шундан сўнг артистларнинг чиқишлари бошланади. Абапаловларнинг дадиллик блан бажарган машқлари, Кожуховларнинг чаққонлик блан шошилмасдан жонглёрлик қилишлари, Элла Твеленева блан Киричуковларнинг гўзал акробатика ўйинлари, Николаевларнинг турникда бажарган машқлари, — буларнинг ҳаммаси тамошобинларнинг ҳурматига сазовор бўлади.

Ёшлар ва студентларнинг Бухарестдаги IV Бутунжаҳон фестивалининг қатнашчилари Юрий Шубин ва Нина Шубиналарни тамошобинлар дўстона қарсаклар блан кутиб оладилар.

Ҳавода гимнастика машқларини бажарувчи Бубноваларнинг дадиллик блан бажарган машқлари барча тамошобинларни ҳайратда қолдиради.

Қизиқчилар томонидан бажарилган «Қизиқчилар бокси» тамошобинларни жуда қаттиқ кулдиради. Қизиқчилар орасида Олег Попов айниқса тамошобинларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Унинг тебраниб турган симда бажарган машқлари унинг жуда катта маҳоратга эга бўлган цирк артисти эканлигини исботлайди. Попов ўз ишининг ҳақиқий устасидир. У акробатликни, жонглёрликни, гимнастика машқларини усталик блан бажаради. Бунинг устига у жуда моҳир комикдир. Унинг ҳарбир ҳаракати тамошобинларни кулишга мажбур этади.

Цирк программаси «Музда карнавал» блан якунланади. Сун'ий яхмалакда конькичилар ўзларининг чаққонликларини намойиш қиладилар.

Ёшлар коллективи (раҳбари М. И. Николаев, постановкачи режиссёри А. М. Ольшанский) Тошкент тамошобинларига қизиқарли программа кўрсатмоқда. Ёш цирк усталарининг чиқишлари — ёшлик, куч, ирода ва шодлик байрамидир.

К. ДУСМАТОВ.

Янги механизатор кадрлар тайёрланмоқда

Калинин районидаги МТС ҳузурида 4 ойлик тракторчилар тайёрлаш курси ташкил қилинди. Ҳозир курсда 35 киши ўқимоқда. Уларга тажрибали механизаторлардан П. Турсунбоев, А. Зуфаров, С. Сайфуддинов ва инженер-механик Аронов ўртоқлар «ДТ—54», «НАТИ», «Универсал» маркали тракторларни ўргатмоқдалар.

Курс тингловчилари лекция ва амалий машғулотларда машина механизмларини ҳамда уларнинг ҳаракатини пухта билиб олишга тиришмоқдалар. МТС ҳузурида курсантлар учун ётоқхона, алоҳида ошхона ташкил қилинди.

„Дўстлик чўққиси" кино-очерки

Бундан 10 йил илгари совет текширувчилари Марказий Тянь-Шань тоғ массиви лари орасида шу вақтгача ма'лум бўлмаган чўққини топган эдилар. Бу чўққига Меридианал номи берилган эди.

Ўтган йил ёз пайтида шу чўққи районига Тошкент альпинистларининг янги экспедицияси борди. Довюрак альпинистлар тоғнинг денгиздан 6 минг 800 метр баландликдаги номсиз чўққисига чиқдилар. Тоққа чиққан альпинистлар бу чўққини совет ва хитой халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликка бағишлаб «Дўстлик чўққиси» деб атадилар.

Тошкент альпинистларининг довюраклиги ва спорт маҳорати тўғрисида янги рангли «Дўстлик чўққиси» кино-очерки ҳикоя қилади. Бу кино-очеркни Фрунзе ҳужжатли фильмлар киностудияси ишлаган. Фильм сценарийсини альпинистлар отрядининг бошлиғи СССР спорт мастери В. Рацек ёзган. Фильмни суратга олишда И. Гутман режиссёрлик қилган, С. Авлошенко операторлик қилган. Альпинистлардан В. Ноздрюхин ва В. Ковалевлар чўққига чиқиш вақтида олган кадрлари ҳам фильмга киритилган.

«Дўстлик чўққиси» ҳужжатли фильми ҳозир Тошкент кинотеатрларида кўрсатилмоқда.

К. ДМИТРИЕВ.

Механизаторлар мактабига э'тибор берилсин

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин социалистик қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларида қўл кучи блан қилинадиган оғир меҳнатни механизация воситаси блан бажариш учун саноатимизда машиналар ишлаб чиқариш яна ҳам кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлар механизация ёрдами блан бажариладиган бўлиб қолди. Ҳозирги кунда механизаторлар қишлоқда ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Шунга кўра партиямиз қишлоқ хўжалиги учун кўплаб ихтисосли механизатор кадрлар тайёрлаб чиқариш ишига алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Қорасув районидаги механизаторлар тайёрлаш мактабининг коллективи партиямиз томонидан қўйилаётган бу тадбирларни амалга оширишда катта роль ўйнаши керак. Мактаб механизатор кадрлар тайёрлаб чиқариш учун барча имкониятларга эга. Унинг мустаҳкам моддий-техника базаси, тажрибали ўқитувчилари ҳамда бирқанча малакали инструкторлари бор. Ҳозир бу мактабда ишлаб турган 15 ўқитувчидан 12 таси юқори малакага ва техника билимига эга бўлган олий ма'лумотли ўқитувчилардир. Бундан ташқари мактабда амалий машғулотлар ўтказаётган Ж. Хўжахонов, Н. Шукуров каби тажрибали инструкторлар ҳам ишлаб турипти.

Ҳозир мактабнинг бир ярим йиллик МТС механиклари тайёрлаш бўлимида 186 киши, сентябрь Пленумидан сўнг ташкил этилган 6 ойлик тракторчилар тайёрлаш бўлимида 202 киши, комбайнер механиклари тайёрлаш бўлимида 49 киши ўқимоқда. Броқ, мактаб ма'мурияти (директори А. Муҳамедзанов, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Мелик-Карамен), мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб, ўқишни тўғри ташкил этмаётир. Айни вақтда бу мактабдаги назарий ва амалий машғулотлар мунтазам ўтказилмайди, ўқувчиларга яхши маиший шароит яратиб берилмаган. Мактабда та'лим-тарбия ишларининг савияси паст. Программага мувофиқ ўтилиши лозим бўлган айрим фанлар ўз вақтида ўтилмаётир. Тракторчилар тайёрлаш бўлимининг 8 группасида ўқув программасига киритилган «Тракторлар ва уларни техникавий томондан парвариш қилиш» фанидан 30 соатдан ортиқ дарс ўтилмай қолди. Бунга асосий сабаб мактабнинг ўқитувчилар блан етарли та'минланмаганидир. Айрим фанлар бўйича ўқитувчи бўлмаганидан дастлабки бир ярим ой давомида ҳарқайси группада кунига 8 соат ўрнига 2 соатдан дарс ўтилиб, ўқувчилар кўп вақтларини бекор ўтказишга мажбур бўлдилар. Ўтилмай қолган дарс соатлари кўпайиб кетганлигидан ҳозир ҳарқайси группада 10 соатлаб дарс ўтилмоқда. Бу ҳол дарс беришнинг сифатига ёмон та'сир кўрсатмоқда.

Масалан, ўқитувчи ўртоқ Сарухонов «Тракторлар ва уларни техникавий томондан парвариш қилиш» фанидан дарс берганда ўқувчиларни мавжуд кўргазмали ўқув қуроллари блан таништирмади. У IV группада регуляторнинг айланиш миқдори ҳақида гапирганида ўқувчиларда практик малака ҳосил қилиш учун регулятордан фойдаланмади.

Қишлоқ хўжалик машиналари юзасидан амалий машғулот ўтказаётган ўртоқ Богапов эса машғулотларнинг сифатига жиддий э'тибор бермаётир. «Тракторлар ва уларни техникавий томондан парвариш қилиш» ҳақидаги амалий тажриба ишларига раҳбарлик қилаётган инструктор А. Шпак ўқувчиларнинг амалий машғулотлари устидан назорат қилиб турмайди.

Комбайн механиклари бўлимида ҳам айниқса амалий машғулотлар кўп вақт ўтилмай қолади. Бу бўлим ўқувчилари фақат комбайн механиги бўлибгина қолмай, программага мувофиқ чорвачиликка оид машиналарни ҳам ўрганишлари, уни яхши бошқараолишлари, тузатабилишлари лозим. Мактабда бу хилдаги машиналар етарли бўлмагани учун яқин колхозларга бориб бу машиналар устида тажриба ўтказилиши керак. Аммо бу муҳим тадбир мактаб ма'мурияти томонидан яхши уюштирилмаган. Чунончи, ўқувчилар яқинда Оржоникидзе районидаги Сталин номли, Қорасув районидаги Ленин номли колхозларга олиб борилди. Лекин тахминан борилган бу колхозлардаги мавжуд машиналар ишга солинмагани сабабли ўқувчилар бу ерда тажриба ўтказаолмадилар.

Ўқувчилар ўртасида мустаҳкам онгли интизом ўрнатилмаган, оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмаган, деворий газеталар мунтазам равишда чиқариб турилмайди. Кино-фильмлар кўрсатиш, сиёсий информациялар ўтказишга жиддий э'тибор берилмаётир. Мактаб партия ташкилоти (секретари ўртоқ М. Бобоев) бу масалалар блан камдан-кам шуғулланмоқда.

Мактаб ўқувчиларига қулай маиший шароит яратиб берилмаган. Ётоқхоналарда тозаликка мутлақо риоя қилинмайди. Мактаб ҳузуридаги ошхона ўқувчиларга яхши хизмат кўрсатадиган намунали бир ҳолга келтирилмаган. Унда ҳар доим тартибсизликлар ҳукм суриб келмоқда, овқатларнинг сифати ва ассортиментига э'тибор берилмайди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда район партия ва совет ташкилотлари механизаторлар мактабида ўқув-тарбия ишларининг сифатини кўтариш ва ўқувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари блан жиддий шуғулланишлари керак.

Б. ҲАЛИЛОВ.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'ездида

ЛОНДОН, 18 апрель. (ТАСС). Кеча Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'ездини Канада прогрессив ишчи партиясининг бош секретари Тим Бак, Франция, Италия, Австралия, ва бошқа мамлакатлар коммунистик партияларининг вакиллари табрикладилар.

Кундузги мажлисда Полит доклади юзасидан бўлган музокараларда Англия комсомоли миллий комитетининг секретари Мосс сўзлади. У Англияда комсомол ташкилотида а'золар сони кам бўлганлигини қайд қилиб, маҳаллий партия ташкилотларини комсомолларга кам э'тибор бераётганликлари ва уларга кам ёрдам бераётганликлари учун танқид қилди.

Делегат Гордон Маклеллан (Шотландия) партия кўрсатган кандидатларининг парламентга сайланиши учун курашда партиянинг вазифалари ҳақида сўзлади.

Жуда йирик кемасозлик маркази бўлган Клайдбанк муниципалитетининг а'зоси Арнольд Гендерсон делегатларни муниципалитет сайловларига э'тиборни кучайтиришга чақирди.

Коммунистик партия ижроия комитети а'зоси Пирэтин ўз нутқини Англияда Коммунистик матбуотни тарқатиш соҳасидаги ишларга бағишлади.

ЛОНДОН, 18 апрель. (ТАСС). Бугун с'ездниг эрталабки мажлисида Буюк Британия Коммунистик партияси бош секретари Гарри Поллитнинг доклади юзасидан бўлган музокаралар вақтида делегатлар тинчлик учун ва меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун курашда ишчилар синфининг биргалашиб ҳаракат қилишини уюштириш масалаларини муҳокама қилишни давом этдирдилар. Делегатлар коллектив раҳбарлик принципини амалга ошириш ва омма ўртасида партиянинг та'сирини кучайтириш соҳасида ўз партия ташкилотларининг иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Коммунистик партия ижроия комитети а'зоси Эмиль Бэрнс ўз нутқини партиянинг идеология ва маданий ишлар соҳасидаги вазифаларига бағишлади. У айтдики, ўтган давр ичида партия адабиёт нашр қилишда, район партия кутубхоналари барпо этишда ва кинокартиналар кўрсатишни ва концертлар қўйиб беришни ташкил этишда ба'зи муваффақиятларга эришди.

Компартия ижроия комитетининг а'зоси Жеймс Клугман ўз нутқини партия маорифи вазифаларига бағишлади. У ўнг лейборист раҳбарлар ва ўнг касаба союз раҳбарлари давлатнинг синфдан ташқари турганлиги каби ва синфларни яраштириш каби антимарксистик идеяни тарғиб қилаётганликларини айтиб, ишчилар кундалик тажрибаларида бу хил назариянинг ялғонлигига ишонмоқдалар, деди. Лекин деди у, бунинг ўзигина кифоя қилмайди. Кенг халқ оммаси ўртасида сиёсий маорифни тубдан яхшилаш зарур.

Эрталабки мажлисда квартира ҳақи тўғрисидаги масала юзасидан резолюция қабул қилинди. Резолюцияда та'кидлаб ўтиладики, ҳукумат тайёрлаган қонун проектига биноан, пасқам, ҳароба жойлар абадий сақланиб қолаверади, 8 миллион инглиз оиласи учун квартира ҳақи йилига 80 миллион фунт стерлинг оширилади. Шу сабабдан, дейилади резолюцияда, «с'езд қатнашчилари квартира ҳақининг оширилишига қат'иян қарши эканликларини билдирадилар».

Резолюцияда квартира ҳақининг оширилишига қарши курашиш учун касаба союзларини, касаба союзлари кенгашларини кооператив ташкилотларини, лейбористлар партияси ва Коммунистик партия ташкилотларини, квартираларни ижорага олучилар уюшмаларини, Британия легиони бўлимларини ва бошқа шу хил ташкилотларни жалб қилиб, кенг ҳаракат бошлаб юборишга чақирилади.

Эрталабки мажлиснинг охирида Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясидан олинган ва Уильям Фостер қўл қўйган табрикнома ўқиб эшиттирилди.

ЛОНДОН, 19 апрель. (ТАСС). Кеча кундузги мажлисда Буюк Британия Коммунистик партиясининг с'езди партиянинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди. Германиянинг қуролланишига қарши, тинчлик учун, Европада коллектив хавфсизлик системаси барпо этиш учун курашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни уюштириш соҳасидаги иш тажрибалари блан олмошиш ҳам давом этди.

С'езд раиси Кэмпбеллнинг, Буюк Британия кооператив партиясининг ҳозирги вақтда Блэкпулда давом этиб турган с'езди Ғарбий Германияни қуроллантиришга қарши қаратилган резолюцияни жуда кўпчилик овоз блан қабул қилди, деган билдириши гулдурос қарсаклар блан кутиб олинди.

Музокараларнинг охирида компартия ижроия комитети номидан «Дейли уоркер» редакторининг ўринбосари Голлан жавоб нутқи сўзлади.

Кундузги мажлиснинг охирида оммавий қирғин қуроли тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Резолюцияда та'кидлаб ўтилишича, «Совет Иттифоқи атом қуролининг ва одамларни кўплаб қирадиган бошқа қуролларнинг ҳамма турларини тақиқлашни ва қаттиқ халқаро контроль ҳамда инспекция ўрнатилишини қайта-қайта таклиф этди».

«Биз, — дейилади сўнгра резолюцияда, — бутун инглиз халқини буюк давлатлар ўртасида музокаралар олиб борилиши учун, атом қуролини ва водород қуролини тақиқлаш ҳақида ҳамда қаттиқ халқаро контроль ва инспекция ўрнатиш тўғрисида уларнинг ўзаро келишишлари учун: — Буюк Британияда Америка ҳарбий-ҳаво базаларининг тугатилиши учун: ҳамма америка қўшинларининг Англиядан АҚШ га қайтариб юборилиши учун кенг кампанияни қизитиб юборишга чақирамиз».

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг сайловчиларга мурожаати

ПРАГА, 18 апрель. (ТАСС). 16 майда миллий комитетларга бўладиган сайлов муносабати блан бугун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг сайловчиларга қарата чиқарган мурожаати э'лон қилинди.

«1954 йил 16 майда, — дейилади мурожаатда, — Чехословакиянинг меҳнаткаш халқи миллий комитетларга ўз вакилларини сайлайди. Бу сайлов мамлакатимиз халқининг ҳаётида ғоят катта воқиадир». Халқ оммаси сайловни Коммунистик партия раҳбарлигида, миллий фронтда мустаҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқда.

Мурожаатда миллий комитетларнинг Чехославакия меҳнаткашларини 1944—45 йилларда фашист оккупациячиларга қарши курашга уюштиришдаги катта хизмати, халқ оммасини мамлакатда социализм қуришга сафарбар қилишда миллий комитетларнинг роли қайд қилиб ўтилади.

Мурожаатда халқ-демократик Чехословакиянинг биринчи бешйиллиқда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида эришган муваффақиятлари ҳақида, халқ ҳокимияти йилларида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи ва маданий савияси юксалганлиги ҳақида гапирилади.

Сўнгра мурожаатда Чехословак халқи саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасида яқин фурсатда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар санаб ўтилади.

Марказий комитет ўз мурожаатининг охирида барча сайловчиларни 16 майда сайловга келишга ва миллий фронт кандидатлари учун овоз беришга чақиради.

Чехословакия-Албания савдо битими имзоланди

ПРАГА, 18 апрель. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, яқинда Прагада Чехословакия Республикаси блан Албания халқ Республикаси ўртасида 1954 йил учун товар обороти ва тўловлар ҳақида битим имзоланди.

Чехословакия Албанияга турли станоклар учун запас қисмлар, қоғоз саноати буюмлари, цемент, тунука, кенг исте'мол моллари, химия саноати маҳсулоти ва бошқа шу каби моллар етказиб беради.

Албания эса Чехословакияга хром рудаси, мис, асфальт, тамаки, тери ва бошқа моллар чиқаради.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МК ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ, 18 апрель. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кеча очилган пленумида Коммунистик партиянинг 13-нчи с'ездига тайёргарлик кўриш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Пленум сиёсий аҳвол ҳақидаги ва Коммунистик партиянинг миллий мустақиллик ҳамда тинчлик учун курашдаги вазифалари тўғрисидаги тезислар проектини, шунингдек ташкилий масалалар ҳақидаги ва ёшлар ўртасида ишлаш тўғрисидаги резолюцияларнинг проектларини қабул қилди.

Хитой Халқ Республикасида ҳокимият маҳаллий органларига сайловлар

ПЕКИН, 17 апрель. (ТАСС). «Женьминьжибао» газетаси хабар беради: Сайловлар ўтказилаётган районлардаги бутун аҳолининг 85,9 проценти яшаб турган территорияда ҳокимият маҳаллий органларига сайловлар ўтказилиб бўлди. (Майда миллатлар яшайдиган ба'зи районларда сайловлар ўтказилмайди). Шарқи-Шимолий Хитойда сайловлар тўла равишда ўтказилди.

Газеталарнинг ёзишига қараганда, марказий сайлов комиссияси блан Марказий Халқ ҳукумати Давлат ма'мурий кенгашининг Марказий сайлов комиссияси раиси Лю Шао-ци раислиги остида 15 апрельда бўлиб ўтган қўшма мажлисида халқ вакилларининг вилоят, шаҳар ва уезд йиғилишларини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Халқ вакилларининг уезд йиғилишларини чақириш 1954 йил июнь ойига тайинланган. Вилоят ва шаҳар йиғилишлари эса шу йил июль ойининг охирида ёки август ойининг ўнинчиларигача чақирилади.

Вилоятга қарашли ва 500 мингдан кўп аҳоли яшайдиган шаҳарларнинг аҳолисидан халқ вакилларининг Бутунхитой йиғилишига депутатлар сайлаш нормаси белгиланди. Вилоятларга қарашли шаҳарлардан халқ вакилларининг Бутунхитой йиғилишига ҳар 100 минг кишидан бир вакил сайланади.

Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақаси

17 апрельда П. И. Чайковский номидаги концерт залида жаҳон биринчилиги учун бўлаётган шахмат мусобақасининг ўнбешинчи ўйини бўлди. Оқ доналар блан Смислов ўйнади.

Ботвинник оқларнинг шоҳ олдидаги пиёдани илгари суриб бошлаган юришига жавобан бу мусобақада иккинчи марта сицилия ҳимояси усулини танлади. Смислов яна филини фланг томонга ўтказди. Кейинчалик жаҳон чемпиони марказда мустаҳкам мудофаа позицияси вужудга келтиришдан иборат янги оригинал ҳимоя системасини топди.

Шуни айтиш керакки, Смислов энг кескин пайтда бирнеча суст юришларни қилди, бу эса қораларга ташаббусни қўлга олиш ва ўз фигуралари блан шоҳ томонида марказий позицияларни эгаллаш имкониятини берди. Қораларнинг 18-нчи юриши ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди. Шундан кейин оқларнинг фойда келтираоладиган юриши қолмади.

Қизиб кетган комбинацияли курашда Ботвинник бир пиёдани ютибгина қолмасдан, балки ўз фигураларининг янада активроқ жойлашиб олишига ҳам эришди.

Ўйиннинг охирги қисмида жаҳон чемпиони ҳужумни кучайтириб, қўлини жуда баланд қилиб олди, бу эса рақибининг ўзини қутқазаолишига ҳечқандай имкон қолдирмади.

37-нчи юришда Смислов ўзининг енгилганлигига иқрор бўлди.

Шундай қилиб, ўнбеш ўйиндан кейин ҳисоб Ботвинник фойдасига 8:7 бўлди.

20 апрельда жаҳон биринчилиги учун бўлаётган шахмат мусобақасининг ўнолтинчи ўйини бўлади. Оқ доналар блан Ботвинник ўйнайди. (ТАСС).

Демократик хотин-қизлар ҳаракатининг арбоблари Андреа Андреен ва Ева Польмер Тошкентга келдилар

Швеция Сўл хотин-қизлар союзининг раиси, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раисининг ўринбосари, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофоти лауреати Андреа Андреен 18 апрельда Тошкентга келди. У блан бирга Швеция тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ва демократик хотин-қизлар ҳаракатининг актив арбоби Ева Пальмер ҳам келди.

Тошкент аэродромида меҳмонларни шаҳар жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Андреа Андреен ва Ева Пальмер Ўзбекистонда бирнеча кун турадилар. Улар республика маданияти ва халқ хўжалигининг ютуқлари блан танишадилар. (ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-хаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун кундуз Ўзбекистон областьларида хаво ўзгариб туради. Температура 22—27, жанубда эса 30 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда эрталаб бироз ёмғир ёғади. Температура 22 — 24 даража иссиқ бўлади.

Редактор **З. ЕСЕНБОЕВ.**

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IV да **Юрак сирлари**, 21/IV да **Ревизор**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—20/IV да **Кармен**, 21/IV да **Травиата**.

«РОДИНА». НАВОИЙ номли, СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Кема командири**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
21 апрельда
ЁШЛАР КОЛЛЕКТИВИ ГАСТРОЛЬЛАРИ
Янги аттракцион
«Муз устида карнавал».
Тамоша давомида — қизиқчи **Олег Попов** қатнашади.

Ташоблпромсовет системасидаги
„Тошкент проводниги"
НОМЛИ ИНВАЛИДЛАР АРТЕЛИ
ҳархил транспортда жўнатиладиган
ЮКЛАРНИ
кузатиб бориш учун
Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги ташкилотлар ва корхоналар блан 1954 йилга
шартнома тузишни давом этдирмоқда
Шунингдек, **уй-рўзғор буюмлари ва ҳоказоларни ўраш-жойлаш ҳамда темир йўл ва ҳаво транспортида жўнатиш учун аҳолидан заказлар қабул қилади.**
Артель правлениесининг адреси: 1-нчи Виноградная кўча, 7-нчи уй. Телефон — 38-767.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
„Лесстройторг"нинг
ТОШКЕНТДАГИ
ёғоч савдоси складида
ЁҒОЧ МАТЕРИАЛЛАР:
1) **ёғоч,** 2) **тахта,** 3) **фанера,**
МЕБЕЛЬЛАР
сотилмоқда
Бундан ташқари, ташкилотлар учун (пулини перечисление қилиш шарти блан) **ҳарқанча миқдорда ёғоч идишлар сотилади.**
Складнинг адреси: Шота Руставели кўчаси, 143-нчи уй (11 ва 13-нчи трамвайнинг «Физкультурная» остановкаси).

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАОРИФ БЎЛИМИ
билдирадики
1954 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ МАКТАБЛАРДА
VII ва X синфлар ҳажмида
ЭКСТЕРНАТ ТАРТИБИДА
имтиҳон олинади:
1-нчи ўзбек мактабида — Октябрь район, Пахта кўчаси, 52-нчи уй, **14-нчи ўзбек мактабида**—Октябрь район, Тахтапул кўчаси, 22-нчи уй, **8-нчи ўзбек мактабида**—Москва район, Лабзак кўчаси, 71-нчи уй, **42-нчи рус мактабида** — Москва район, М. Горький кўчаси, 292-нчи уй, **18-нчи рус мактабида** — Куйбишев район, Ульянов кўчаси, 3-нчи уй, **25-нчи рус мактабида** — Фрунзе район, Шота Руставели кўчаси, 21-нчи уй, **59-нчи ўзбек мактабида** — Сталин район, Қоратош кўча, 27-нчи уй, **110-нчи рус мактабида** — Марказий район, Апанасенко кўчаси, 22-нчи уй.
Аризалар тегишли мактаб директорига 1954 йил 10 майгача берилиши лозим.

Кураш кўча, Ўрмон тупик, 36-нчи уйда турувчи **Собир Муҳамедович Муҳамедовнинг** шу уйда турувчи Мастура Турсуновна Исмонловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01713 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1315.